

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Таълим технологиялари

ФАНИДАН

маърузалар матни

Гулистон - 2016

МУНДАРИЖА

Кириш-----	3
1.Мавзу: Янги педагогик технология фанининг мақсад ва вазифалари-----	10
2.Мавзу: Ўзлаштиришнинг турли даражалари-----	20
3.Мавзу: Мақсадлар каталогини тузиш-----	29
4.Мавзу: Ўқув мақсадлар таксаномияси-----	37
5.Мавзу: Тест топшириқларининг шакллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари-----	41
6.Мавзу: Ўқув мақсадларини назорат топшириқларига айлантириш-----	45
7.Мавзу: Ўқув мақсадларига эришиш йўллари-----	49
8.Мавзу: Ўқув мақсадига эришганликни назорат қилиш -----	53

КИРИШ

Жаҳон таълими тараққиёти тажрибаси шундан далолат берадики, жамият тараққиёти таълимнинг такомиллашиши ва тараққий этиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Президент И. А. Каримов таъкидлаб ўтганидек: «Аслида таълим-тарбия соҳасидаги ислохотнинг чегараси йўқ. токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга кўра мустақил равишда ўзгариб-янгиланиб бораверади».¹

Республикада «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастур» ва «Давлат таълим стандарт»лари талабларига мос келадиган янги таълим технологияларини яратиш долзарб муаммога айланди. Анъанавий таълим тизимидан фарқли равишда, педагогик технологиялар таълимдаги бошқа инновациялар билан киришиб ва ривожланиб кета олиши илғор давлатлар тажрибасида аллақачон ўз исботини топган.

Янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда олиб борилган дарслар самарали натижа бериб, ўқувчиларни бевосита ўқишга бўлган қизиқишини оширади. Ушбу қўлланмада берилган мавзуларни ўрганиш учун талаба педагогиканинг назарий асосларини эгаллаган бўлиши лозим. Чунки педагогикага оид билимларни ўзлаштирмасдан ўқитувчи таълим жараёнини ташкил эта олмайди. Шунинг учун талаба дарс, дарс мақсади, таълим методи, дарс жиҳози, дарс ишланмаси ҳақида тўла маълумотга эга бўлиши керак.

IV МАЪРУЗАЛАР

1- мавзу. ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1. Дарс мақсади: - Технология ва технологик жараёнлар ҳақида тушунча бериш, педагогик технология тушунчасининг моҳиятини ёритиб бериш. - Ўқитувчилик касбига қизиқишни ошириш. Замонавий педагогик касб хусусиятларини шакллантириш. 1.2. Идентив ўқув мақсадлари. - Педагогик технологиялар ҳақида тушунча беради. - Таълим жараёнини технологиялаштиришнинг аҳамиятини таҳлил қилади. 1.3. Асосий тушунча ва иборалар: Технология, технологик жараён, педагогик технология, бихевиоризм, лойиҳалаш, замонавий педагогик технологиялар, тизимли метод, инновацион ёндашув, тест, педагогик-психологик. 1.3. Дарс шакли: кириш-ахборотли маъруза	Ўқитуви

¹ Каримов И. А. “Ўзбекистон буюк келажак сари” Т. Ўзбекистон, 1998 й. –62 б.

	1.4. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. 1.5. Керакли жиҳоз ва воситалар: Кўргазмали маъруза, намоиш этиш, савол-жавоб, суҳбат, тушунтириш, ФСМУ, тақдимот.	
2	Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи, 15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга муаммоли савол беради (ЯПТ.1.1) . 3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4. Умумий хулосага қилинади.	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	4.1. Мустақамлаш ва баҳолаш босқичи: • Берилган маълумоти талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: • Педагогик технология курсини асосий текшириш объекти нима? • Педагогик технология курсини ўқитишдан мақсад нима? • Бу курснинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат? 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 15 минут
5	Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади (Таълимда инновацион технологиялар, 86-бет). 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи, 10 минут

Асосий саволлар.

1. Технология ва технологик жараёнлар ҳақида тушунча.
2. Педагогик технологияларнинг пайдо бўлиши, тараққиёти ва асосий тушунчалари.
3. Илғор педагогик технологиялардан фойдаланишнинг истиқболлари.

II. Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Технология, технологик жараён, педагогик технология, бихевиоризм, лойиҳалаш, замонавий педагогик технологиялар, тизимли метод, инновацион ёндашув, тест, педагогик-психологик.

III. Мавзуга оид муаммолар:

1. 1970-1980 йилларда АҚШда педагогик технологиялар оқими пайдо бўлди ва тезда барча илғор капиталистик давлатларни қамраб олди. Бу ҳаракат ЮНЕСКО томонидан қўллаб-қувватланди ва бу соҳада илғор педагогик тажриба Болгария, Венгрия, Польша, Россия каби давлатлар педагоглари хам қизиқтириб қолди.

2. Замонавий таълим технологиясида тарихий таълим методларидан фойдаланишнинг қандай аҳамияти бор?

3. Нима учун чет эл замонавий педагогик технологияларни бевосита Ўзбекистонга кўчириб бўлмайди?

4. Бихевиоризм йўналишига педагогик технологиялар қандай психологияга асосланишини тушунтиринг.

Биринчи савол бўйича дарснинг мақсади: технология ва технологик жараёнлар ҳақида тушунча бериш, педагогик технология тушунчасининг моҳиятини ёритиб бериш. Ўқитувчилик касбига қизиқишни ошириш. Замонавий педагогик касб хусусиятларини шакллантириш.

Идентив ўқув мақсадлари.

1. Технология ва технологик жараёнларнинг моҳиятини ёритади.
2. Педагогик технологиялар ҳақида тушунча беради.
3. Таълим жараёнини технологиялаштиришнинг аҳамиятини таҳлил қилади.

Биринчи саволнинг баёни.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да илғор педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги кўп қарра такрорланади. Педагогик технологиянинг ўзи нима ва у анъанавий таълим методларидан нимаси билан фарқланади?

Ҳозирги кунда педагогик адабиёт, таълим муаммоларига оид маърузалар, расмий хужжатларда "янги педагогик технология", "илғор педагогик технология", "замонавий педагогик технология" иборалари кенг қўлланилмоқда. Айнан тизимли ёндашув педагогик технология асосида ўқитишни бошқа ёндашувлардан фарқловчи асосий белги ҳисобланади. Таълим мақсадлари, унинг мазмуни, ўқитиш ва таълим бериш методлари, назорат ва натижаларни баҳолашни ўзаро алоқада ва бир-бири билан боғлиқликда лойиҳалаш - кўпинча анъанавий ўқув жараёнида етишмайдиган нарсалардир. Масалан, кўп ҳолларда таълим, асосан, ахборотни эслаб қолишга йўналтирилган, таълим олувчининг бўлажак фаолияти эса муайян ишларни бажариш ёки ташкилий, бошқарув ва касбий қарорларни қабул қилиш билан боғлиқ бўлади. Бошқа мисол: ўқув юртларидан бирида таълим олувчилар билимларини назорат қилиш методини маъмурият барча фанлар учун бир хилда, уларни ҳар бирининг хусусиятларини ҳисобга олмай асоссиз белгиланган. Афсуски, ҳозирги кунда бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Педагогик адабиётда педагогик технологияга берилган бошқа таърифлар (В.Беспалько, В.Гузеев, В.Сластенин, Б.Лихачев, И.Волков, М.Чошанов, М.Кларин, И.Лернер, Ч.Юдин ва бошқалар) ҳам келтирилади, аммо уларнинг бирортаси ЮНЕСКО таърифи даражасига кўтарила олмаганлар. Айтиб ўтилган олимлар орасида педагогик технология тўғрисидаги ахборотни МДХ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонда тарқалишида В.П.Беспалько ва М.В.Кларинларнинг таъсири кучлироқ. М.В.Кларин педагогикадаги технологик ёндашувнинг таркибий тузилиши ва мазмуни тўғрисида бирмунча тўлароқ маълумотларни эълон қилган.

Педагогларнинг иш амалиётида баъзида технологик қурилган ўқитиш методлари эмас, балки фойдали бўлсада аллақачон ўзлаштирилганлар "педагогик технология" тушунчаси билан белгиланади. Аслини олганда, педагогик технология - бу ўқитишга ўзига хос бўлган янгича (инновация) ёндашувидир. У педагогикадаги ижтимоий-муҳандислик тафаккурининг ифодаланиши, технократик илмий онгнинг педагогика соҳасига кўчирилган тасвири, таълим жараёнининг муайян стандартлашуви ҳисобланади.

Педагогик технология кўп жиҳатдан ўтмиш машҳур педагогларининг орзуларига мос келади. Дидактиканинг асосчиси Ян Амос Коменский ўн еттинчи асрдаёқ таълимнинг "вақт, фанлар ва методларни моҳирона тақсимлашдан" бошқа нарсани талаб қилмайдиган умумий тартибини топишга ҳаракат қилганди.

Коменский фикрича, идеалда ўқитишнинг ягона мукамал методи топилса, "ҳамма нарса оғирликлари тўғри мувозанатланган соатга нисбатан аниқроқ, фақат ана шундай маҳорат билан яратилган асбобда эришиш мумкин бўлган бехатолик билан илгарилайди".

Жаҳон педагогика фани илмий-техника тараққиёти таъсирини бошидан кечириб, психология, кибернетика, тизимлар (система) назарияси, бошқарув назарияси, бошқа фанлар муваффақиятларини бирлаштириб, ҳозирда фаол янгилашни (инновация)

жараёнлари босқичида турар экан, инсон имкониятларини самарали ривожлантириш амалиётига бой махсул бермокда.

Айтиб ўтамыз, педагогик технология методлари (ўзининг бошланғич маъносида) дастлаб ўқитишнинг ҳаракатни типик вазиятдаги намуна (белгиланган қоида) бўйича ўзлаштириш талаб этиладиган репродуктив даражаси учун ишлаб чиқилганди. Репродуктив таълим ҳар қандай таълимнинг зарур таркибий қисми ҳисобланади, у инсоният жамғарган тажрибани аниқ ўқув фани доирасида ўзлаштириш билан боғлиқ. Таълим учун худди ўзлари сингари машғулоти юқори даражада ўтказишларига имкон берадиган педагогик йўналишни (циклини) ишлаб чиқмаган. Сабаби, балким, ўтмишдаги машҳур педагогларнинг методлари педагог шахсини кўпроқ ўз ичига олган бўлса керак. Издошларда нимадир яхшироқ чиққан, аммо умуман олганда, асосчиларникидек бўлмаган.

"Бизнинг педагогик ишлаб чиқаришимиз - ёзган эди А.С.Макаренко, - ҳеч қачон технологик мантиқ асосида қурилмаган, у доимо ахлоқий тарғибга асосланган. Айнан мана шунинг учун ҳам бизда ишлаб чиқаришнинг барча муҳим бўлимлари: технология жараёнини, иш бажарилишини ҳисобга олиш, яратувчилик (конструкторлик) иши, мосламаларни қўллаш, назорат, ишга тушириш, яроқсизга чиқариш деганлар йўқ". (Кўчирма В.Сластенин ишидан олинди, 1997 йил) .

Саноатда ижрочилар, агар улар техник ҳужжатлар талабларига аниқ риоя қилинса, шаклига боғлиқ бўлмаган, натижаси кафолатли минглаб технологик жараёнлар ишлаб чиқилган. Саноат технологик жараёнининг асосини деталнинг ишчи чизмаси ва йиғув бирликлари чизмаси ташкил қилади. Улар талабларига аниқ риоя қилиш деталларнинг ўзаро алмашинувчанлигини таъминлайди, технологик жараённинг такрорланадиган операциялари эса қайта тикланадиган технологик тузилмани ташкил қилади. Мана шунинг учун ҳам Ўзбекистонда чет эл технологияси асосида ишлаб чиқариладиган автомобилнинг сифати Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган автомобил сифатидан фарқ қилмайди.

Технология - тушунчаси юнонча «маҳорат», «санъат», «тушунча», «ўрганиш» демакдир. Технология тушунчаси ишлаб чиқариш жараёнидаги технология операциялар ва махсулотни тайёрлаш мазмуни (сирлари) билан боғланган. Технология сўзи замирида жараёнларни амалга ошириш усуллари ва воситалар ҳақида билимлар йиғиндиси, шунингдек объектда содир бўладиган сифат ўзгаришлари тушунилади.

Таълим технологияси таълим методикаси тушунчасига қараганда кенгрокдир.

Ўқитувчилар, талаба ва ўқувчилар жамоасида ўзаро ёрдам, ҳамкорлик ва ижодий муҳитни яратишда замонавий педагогик технологияларнинг ўрни бекиёс ҳисобланади. **Замонавий педагогик технологиялар** таълим жараёнини ҳар томонлама мукамал лойиҳалаштириш, аниқ мақсадлар қўйиш ва уларга кафолатланган ҳолда эришиш, режалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи узвий боғланган **компонентлар йиғиндиси** деб ҳисобланди. Ушбу қоидадан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ўқитиладиган мавзуга кенг қамровли лойиҳа ишлаб чиқиш билан бир қаторда, ўқув-методик мажмуа тайёрлаш йўлга қўйилди. Мажмуанинг таркибига лойиҳага қўшимча мавзуга дахлдор бўлган барча ахборотлар, тарқатма материаллар, маълумотномалар, манбалар, улардан фойдаланиш методикаси киритилди.

Педагогик технология деганда, технологик (ишлаб чиқаришдаги) ёндашувларга айнан ўхшаш бўлган таълимда қўйилган мақсадларга эришиш кафолатланган (якуний натижани олиш) таълим жараёни тушунилади. Бундай таълим жараёни технологиялаштирилган дейилади. Технологиялаштирилган таълим жараёнида ўқитувчи шахсига боғлиқ бўлмаган фақат ўқувчи (талаба) нинг шахси эҳтёжлари, талаблари ва ҳислатларига асосланган таълим жараёнидир. Ўқувчи (талаба) таълим жараёни марказида туради. Бунда дарсни ким олиб бораёпти (тажрибали ўқитувчими ёки ёш ўқитувчими) қатъий назар қўзланган якуний натижа (мақсадга қўра) га эришиш кафолатланиши лозим. Таълимда ўқитувчи фақат ижрочи вазифасини бажаради.

Педагогик технология педагогик (ижтимоий) ва технологик (ишлаб чиқаришдаги, муҳандислик) ёндашувлар интеграциясидир.

Педагогик технологияга турли таърифлар мавжуд.

ЮНЕСКО таърифи: Педагогик технология – таълим бериш ва ўзлаштириш усуллари яратиш, қўллаш уларни ягона тизимга келтириш, йўли билан инсон салоҳияти ва техник воситаларининг барча имкониятларидан мувофиқ фойдаланиб, билимлар ўзлаштирилишининг энг макбул жараёнидир.

Педагогик технологиялардаги ғоя мактаб фаолияти ёки ҳар қандай таълим муассаси ва таълимнинг асосий звеноси бўлган таълим жараёнини бошқарилувчанлигидир.

Т.Сакамото (япон мутахасиси) нинг фикрича педагогик технология бу педагогикадаги фикрлашнинг тизимлаш усулини қўллаш бўлиб, буни бошқача қилиб айтсак, таълимни тизимлаштириш (системалаштириш) ёки «синф таълимини тизимлаштириш» дир.

Баъзида педагогик иш тажрибасида (аввалги мавзуларда келтирилган) педагогик технологияларни аллақачон ўзлаштирилган (маълум бўлган) ҳатто фойдали бўлган аммо таълим методикаси технологик яратилмаган (тузилмаган) деб тушунишади. Лекин педагогик технология ўзига хос инновацион ёндашувдир.

Педагогик технология таърифларида асосий тушунчалар, «тизимли метод» эканлиги қолган барча сўзлар педагогик технологиянинг тизим сифатидаги таркибий қисмларини ифодалайди. Айнан тизимли ёндашув педагогик технологияни ўқитишдаги бошқа ёндашувлардан фарқловчи бош белги ҳисобланади. Анъанавий ўқитиш методикасида бундай тизимли (системали) ёндашувга ҳар доим ҳам риоя қилинавермайди. Таълим мақсадлари, унинг мазмуни, ўқитиш ва таълим бериш методлари назорат ва натижаларни баҳолашни ўзаро алоқада ва бир –бири билан алоқада лойиҳалаш – кўпинча анъанавий (традицион) ўқув жараёнидаги етишмайдиган ҳолдир. Масалан, кўп ҳолларда таълим асосан, ахборотни эслаб қолишга йўналтирилган, таълим олувчининг бўлажак фаолияти эса муайян ишларни бажариш ёки ташкилий, бошқарув ва касбий қарорларни қабул қилиш билан боғлиқ бўлади (олдинги мавзуларимиздаги билиш фаолияти ва билиш фаолиятини фаоллаштириш моделига қаранг). Ёки олий ўқув юртларида баъзан маъмурият томонидан талабалар билим олиши сифатини назорат қилиш методини барча фанлар учун бир хил яъни ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмасдан асоссиз белгилашади. Демак, таълим ўқув жараёнида белгиланган мақсадлар, мазмун, методлар, воситалар ва шакл каби методик тизим элементлари орасида узвийликка риоя қилинмайди. Натижа таълимда узлуксизлик таъминланмаслигига олиб келади (таълим узлуксизлиги ҳақидаги аввалги мавзуларимиздаги моделга қаранг). Педагогик технологияларда бўларга албатта риоя қилиниши назарда тутилади. Педагогик технология ўз моҳиятига кўра ЮНЕСКОнинг таърифи кўпроқ мос келади.

«Янги педагогик технологиялар» - психологик ва педагогик билимлар тармоғида мустақил фан сифатида шаклланиши ва бу фаннинг ўрни, моҳияти, фаннинг таркиби, мақсади ҳамда вазифалари республикамиздаги «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонуни асосида юқори малакали олий маълумотли кадрларни тайёрлашга мувофиқ белгиланган.

Бу Ю.К.Бабанскийнинг 1990 йилларгача мавжуд ўқув жараёнларини экстенсив (содалаштириш) йўналишда ўқув мазмунини майдалаштириш, фанлар сонини кўпайтириш каби ёндашувларнинг самарасизлигини таъкидлаб, ўзининг ўқув жараёнини жадаллаштириш (интенсивлаш) самарали натижага (ўқув суратини ошириш) яъни таълимдаги мақсадларни кучайишига ўқувчиларнинг таълимдаги фаоллигига, таълим мақсадларини амалга ошируви ўқитувчининг қўйган мақсадлар комплекси орқали олиб келишини асослайди. Таълим жараёнини жадаллаштиришнинг асосий омиллари: таълим мақсадларини кучайтириш, ўқув мотивация (қизиқтириш)ни

кучайтириш, таълим мазмунидаги ахборот сиғимини кенгайтириш, таълимда фаол метод ва шаклларни қўллаш, ўқув амалларини бажариш суратини ошириш, ўқув маҳоратини ривожлантириш, таълимда компьютер ва бошқа техника воситаларини қўллаш.

Лекин бу анъанавий таълимдаги ишлар манзилга узоқ ва нотекис йўл билан гоҳида адашиб кетаётган йўловчининг ҳаракатига ўхшайди. Илғор давлатлардаги педагогик технология эса бу кўзланган манзилга тезроқ бораётган ва қисқа йўл танланган ҳаракатга ўхшайди.

1- асосий савол учун назорат топшириқлари:

1. Технология ва технологик жараён ҳақида тушунча беринг.
2. Педагогик технология бу ўқитишга ўзига хос бўлган _____ ёндашувдир.
 - А) инновацион
 - Б) тизимли
 - В) технологик
 - Г) анъанавий
3. Педагогик технологиянинг таърифинини аниқланг
 - А) Педагогик технология бу – ўз олдига бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини таълим шакллари ҳисобга олиб яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли методидир.
 - Б) Педагогик технология бу – ўз олдига бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини таълим шакллари самарадорлаштириш вазифасини қўювчи, техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг ўзаро алоқасини ҳисобга олиб яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли методидир.
 - В) Педагогик технология бу – ўз олдига бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини таълим шакллари самарадорлаштириш вазифасини қўювчи тизимли методидир
 - Г) Педагогик технология бу – ўз олдига бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини таълим шакллари самарадорлаштириш вазифасини қўювчи, техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг ўзаро алоқасини ҳисобга олиб яратишдир.
4. Саноатда технология тушунчасининг моҳиятини очинг.
5. Педагогика назарияси ва тарихига ҳисса қўшган олимларнинг педагогик фаолиятини ўрганинг.

2-асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Педагогик технологияларнинг таълим тизимидаги аҳамиятини, пайдо бўлиши тарихи, тараққиётини ёритиб бериш, асосий тушунчаларини таърифлаш, педагогик технологияларнинг тараққиётига ҳисса қўшган олимлар ҳақида маълумот бериш. Технология ва педагогик технологияларга қизиқиш уйғотиш. Таълим беришнинг самарали йўллари эгаллашга йўналтириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- Педагогик технологияларнинг яратилиш тарихини айтиб беради.
- Педагогик технологияларнинг мақсад ва вазифаларини тушунтириб беради.
- Педагогик технологияларнинг асосий тушунчаларини таърифлайди.
- Педагогик технологияларнинг тараққиётини таҳлил қилади.

Иккинчи асосий саволнинг баёни:

Такрорланадиган тузилмани педагогикада яратиш қийин. Бунга ўқув (таълим-тарбиявий) вазифаларнинг хилма-хиллиги, таълим мазмунининг бўлаклари ва ўқув материали турларининг ҳар хиллиги, уларни билиш фаолияти услубининг бир хилда намоён бўлмаслиги ва кўплаб бошқа омиллар тўсқинлик қилади.

Шундай бўлсада, АҚШда таниқли олимлар Б.Блум, Д.Кратвол, Н.Гронлунд, Ж.Керролл, Ж.Блок, Л.Андерсон ва бошқалар ҳаракати билан режалаштирилган натижаларга эришишни кафолатлайдиган, такрорланадиган педагогик тузилмани ўз ичига олган педагогик технология ишлаб чиқилганди.

Т.С.Назарова қайд этиб ўтганидек (1997 й.), 70-йиллар бошларида ривожланган мамлакатлар - АҚШ, Японияда педагогик технология масалалари бўйича журналлар чиқарила бошланган, кейинчалик бу муаммо устида ихтисослашган муассасалар (масалан, Буюк Британия ва АҚШда педагогик технология бўйича миллий кенгашлар) иш бошлаган.

Саноатда "юксак технология" ибораси бор. Улар, одатда, жуда мураккаб бўлади, катта сармоялар сарфланишини талаб қилади, фаннинг сўнгги ютуқларига асосланади, ходимлардан махсус тайёргарликни талаб қилади. Шундай бўлсада, улар махсулотнинг юқори сифати ва рақобатбардошлигини, пировард оқибатда салмоқли фойдани таъминлайди. Педагогик технологияни ўқитишдаги "юксак" методология каторига киритиш мумкин, аммо унинг жорий қилиниши катта сарфларни талаб қилмайди. Таълим сифатининг калити пировард оқибатда алоҳида ўқув юрти ва аниқ ўқитувчи дейдиган бўлсак, педагогик технологияни ўзлаштириш, асосан, педагогларни ўқитишни талаб қилади. Мазкур предметнинг мақсади уларга бундай ишда ёрдам беришдир.

70-80- йилларда АҚШда юзага келган педагогик технология оқими деярли барча ривожланган мамлакатларга тарқалди, ЮНЕСКО каби нуфузли ташкилот ҳам қизиқа бошлади. Технология ёрдамида эришилган муваффақиятлар тўғрисида нафақат АҚШ, Буюк Британия, Германия вақиллари, балки Коста-Рика, Филиппин, Туркия, Мальта вақиллари ҳам маъруза қилдилар. ЮНЕСКОнинг навбатдаги анжумани 1997 йилда Манила (Филиппин Республикаси)да, 1998 йилда Канада (Ньюфаундленд)да ўтказилган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, таълим самарадорлигини оширишга технологик ёндашув ўттиз йиллар мукаддам АҚШда пайдо бўлганди. Бу муносабатда бир қанча саволлар юзага келади. Нима учун биз шу кунгача жаҳон педагогика фанининг бу соҳадаги ютуқлари тўғрисида жуда кам нарса биламиз? Нима учун педагогика олий ўқув юртлирининг талабалари педагогик технологияни ўқимайди? Нима учун бу муаммо бўйича адабиётлар танқис?

Сабаби шундаки, педагогик технология (бу иборани бирламчи тушунишда) бихевиоризм ғояларига асосланади. Бу йўналишнинг психологиядаги энг муҳим қондаси организмни кўзгатгич (стимуляция) билан уни бу кўзгатгичга жавоби ўртасидаги алоқа бир маънолилигининг сўзсиз тан олинисидир. Бу таълим жараёнини тажриба-синов тарзида ўрганишга ҳам, бу жараёни бошқаришга ҳам бир хилда дахлдордир. Биз организмда содир бўлаётган ички жараёнлар (шу жумладан, психик жараёнлар тўғрисида ҳам) тўғрисида ташқи кузатиладиган ҳаракатларни таҳлил қилмай туриб ҳеч нарса била олмаслигимиз шубҳасиз далил эканлигидан келиб чиқсак, бихевиористлар кўзгатгич билан жавоб таъсир ўртасидаги алоқани ўрганиш билан чекланади. Бу чекланиш бихевиоризм аҳамиятини камайтиради, чунки ҳар қандай назария бевосита кузатишдан яширинган у ёки бу қонуниятларни билишни назарда тутати.

Яқин ўтмишда бихевиоризм мафкўравий сабабларига кўра буржуазия фанига киритилган ва шунинг учун инкор этиларди. Масалан, 1954 йилда М.Розентал ва П.Юдин таҳрири остида чиққан "қиска фалсафий луғат"да бундай дейилади: "Бихевиоризм (инг. behaviour-хулк-атвор) - АҚШ замонавий буржуа психологиясида ҳукмронлик қилувчи реакцион оқимлардан бири".

Айтиб ўтамиз, бу луғатда қуйидаги "дурдона" ҳам бор: "Кибернетика (грекча сўз бўлиб, "йўналтирувчи", "бошқарувчи" деган маъноларни англатади) АҚШ да иккинчи жаҳон урушидан сўнг пайдо бўлган, бошқа капиталистик мамлакатларда ҳам кенг

тарқалган реакцион қалбаки фан...". Тўғри, йиллар ўтиши билан бихевиоризм тўғрисида айтилган гаплар оҳанги жиддий ўзгарди. Масалан, А.В.Петровский ва М.Г.Ярошевский таҳрири остида чиққан (1990) "Психология" луғатида "...Бихевиоризм ғоялари тилшунослик, антропология, социология, семиотикага таъсир кўрсатди ва кибернетика манбаларидан бирига айланди. Бихевиористлар хулқ-атвори ўрганишнинг эмпирик ва математик методларини ишлаб чиқишга, бир қатор психологик муаммоларнинг қўйилишига муҳим ҳисса қўшди. Бихевиоризмнинг психология илмий ибораларини ривожлантиришдаги асосий аҳамияти ҳаракат (таъсир) тушунчасининг ишлаб чиқилишидир. Бу олдинги нуқтаи назарларда фақат ички ҳаракат ёки жараён деб қаралган бўлса, бихевиоризм унга ташқи, тан (бадан) реакцияларини ҳам киритиб, психология соҳасини кенгайтирди".

АҚШда "бихевиорист" (хулқ-атвор бўйича мутахассис, тестолог) - жуда нуфўзли, юқори ҳақ туланадиган касб ҳисобланади. Ж.Уотсон, Э.Торндайк, С.Пресси, Б.Скиннер педагогик технологияга замин тайёрлаган. Уларни дастурлаштирилган ўқитишнинг "отаси" дейишади. Шу нарса эътиборни ўзига тортадики, 1970 йилда бихевиоризм "буржуазия" фани деб расмий бўлганатган даврда Н.Д.Никандров ўзининг "Дастурлаштирилган ўқитиш ва кибернетика ғоялари" асарида Э.Родкопф тадқиқотларининг натижаларини келтирди, улар "бихевиоризм доирасида ҳам қизиқарли ва фойдали ишлар пайдо бўлиши мумкинлигини кўрсатади, бихевиоризмнинг назарий таълимотига умумий салбий муносабат, бихевиоризм намояндаларининг назарий ишланмаларини ўрганишнинг инкор этилишини англатмаслиги кераклигини таъкидлаган эди.

Бихевиоризмни инкор этиш Америка ва собиқ совет педагогикаси ўртасида таълим назариясига турлича ёндашувларнинг сабаби бўлди. Россия Педагогика Энциклопедиясида (1993) айтиб ўтилганидек "замонавий инглиз-америка педагогикасида "дидактика" атамаси ишлатилмайди, таълим назарияси эса асосан педагогик психология бўйича асарларда ишлаб чиқилади ва баён қилинади".

Америка педагогик психологияси дидактиканинг кўпгина аклий ва онглилик қоидаларидан фарқ қилиб, экспериментал психологиянинг аниқ методларига асосланади ва шунинг учун амалиётга кенг йўл беради. Айтиш лозимки, кейинги ўн йилликларда ўқитишга бундай икки назарий ёндашувларнинг бир-бирини бойитиши кузатилмоқда. Бихевиористлар асарлари тестологиянинг қарор топишига олиб келди, амалда бўлган қаттиқ маъмурий-буйруқбозлик тизимида худди педагогик технология каби келиб чиқувчи барча оқибатлари билан "буржуазия" фани доирасига киритилганди. Мустақил Ўзбекистон МДХ мамлакатларида биринчи бўлиб олимлар учун чет эл фанининг амалда ўзини оқлаган натижаларини, табиийки, Ўзбекистон анъаналари ва тажрибасини назарда тутиб англаш, танлаб олиш ва фойдаланиш имкониятларини яратиб, жаҳон педагогика фанига "дарча" очди.

2- асосий савол учун назорат топшириқлари:

1. Педагогик технологиялар дастлаб қаерда жорий қилинди.
 - А) АҚШда
 - Б) Японияда
 - В) Сингапурда
 - Г) Канадада
2. Педагогик технологиялар қачондан бошлаб жорий этилди.
 - А) 60 йилларда
 - Б) 70 йилларда
 - В) 80 йилларда
 - Г) 90 йилларда
3. Педагогик технологияга бағишланган дастлабки анжуман қаерда ўтказилди.
 - А) АҚШда
 - Б) Японияда

- В) Сингапурда
- Г) Малтада
- Д) Иерусалимда

4. Педагогик технологияларнинг таракқиётига ҳисса қўшган олимларни аниқланг

- А) Б.Блум, Д.Кратвол, М.Кларин, В.Беспалько, В.Сластенин.
- Б) Б.Блум, Д.Ушинский, М.Кларин, Г.Чернишевский
- В) Б.Блум, Д.Кратвол, М.Кларин, В.Беспалько, А.Макаренко Г.Чернишевский
- Г) Г.Чернишевский, М.Махмудов, А.Мунавваров, Б.Фарберман.

Педагогик технологияларнинг асосий тушунчаларини тушунтириб

3-асосий савол бўйича дарснинг мақсади:

Янги педагогик технологияларнинг мақсад ва вазифаларини тушунтириш, педагогик технологиялардан таълим тизимида фойдаланишнинг аҳамиятини ёритиш, илғор педагогик технологияларнинг истиқболлари ҳақида тушунча бериш, талабаларни фанга бўлган қизиқишини ошириш.

Идентив ўқув мақсади:

1. Янги педагогик технологияларнинг истиқболларини ўрганади.
2. Таълим тизимида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг натижаларини таққослайди.
3. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида янги педагогик технологияларнинг ислоҳ қилиниши изоҳлайди.

Учинчи асосий саволнинг баёни:

Кўпгина мамлакатлар ўқитишда технологик ёндашувдан фойдаланиб, ўқувчилар ўзлаштиришини оширишда сезиларли муваффақиятларга эришдилар. Масалан, Жанубий Кореяда педагогик технология бўйича синов-тажриба тарзида ўқиётган 50 минг боладан 75% да анъанавий ўқитишда фақат энг яхши ўқувчилар эришадиган натижалар қўлга киритилган. Бир қатор бошқа мамлакатларда ўтказилган тажрибалар ўқитишнинг бу тизимини қўллаш ўртача ўқувчига одатий ўқитишда 80-85 % ўқувчилар эришадиган натижадан юқорирок натижага эришиш имконини беришини кўрсатди.

Педагогик технологияни ўзлаштириш Сингапур, Корея ва Японияга 9,13 ёшлик ва охириги ўқитиш йилидаги болалар ўртасида математика бўйича дастлабки учта ўринни эгаллаш имконини берди (TIMSS учинчи халқаро математика ва илмий тадқиқотлар маълумотиغا кўра). Бу далил-исботлар таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш учун мактаб ўқитувчилари ва ўрта махсус, касб-хунар ҳамда Олий таълим ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари педагогик технология методларини ўзлаштириб олишлари ва амалиётга жорий қилишлари лозимлигидан далолат беради. Бу кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг "янги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиб талабаларни ўқитишни жадаллаштириш" талабига муносиб жавоб бўлади.

1992 йил мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов фармони билан Олий ўқув юртларига қабулни тест асосида ўтказиш жорий қилинди. Бу илгарилари фойдаланиш таъкиланган ёки чекланган педагогик тест синовларининг таълим тизимига кенг жорий қилинишига асос солди. Ҳозирги кунда Олий ва Ўрта махсус мактаб муаммолари институтида олий ўқув юртлари ўқитувчиларига педагогик технологияни ўзлаштиришларида ёрдам беришга даъват этилган ўқув сифати ва педагогик технологиялар бўлими ишлаб турибди. Мазкур китоб унинг фаолиятининг дастлабки натижаларидан биридир.

Ҳозирги кунда педагогика мухитида педагогик технологияга қизиқиш кучайганлиги кузатилмоқда. Биз педагогик технологиянинг яхлит тизими назариясини баён қилишни мақсад қилиб қўймаганмиз. Вазифа мактаблар, ўрта махсус, касб-хунар ва олий ўқув юртлари ўқитувчиларига таълимга технологик ёндашув (мазкур

нашрнинг чекланган ҳажми доирасида) тўғрисида минимал зарур ахборотни беришдан иборат. Бунда педагогик технологиянинг муштарийга технологик ёндашув элементларини ўзи мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайдиган ҳолатларда ўз иш амалиётига жорий қилиш имкониятини берадиган кенг тарқалган вариантларини баён қилишга кўпроқ эътибор берилadi.

2- АСОСИЙ САВОЛ УЧУН НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. Педагогик технологияларнинг бугунги кундаги истиқболларини баён этинг.
2. Ўзбекистон Республикасида олий ўқув юртларига қабул қилишнинг тест усули қачон қўлланила бошлади.
А) 1990 йилда
Б) 1989 йилда
В) 1992 йилда
Г) 1994 йилда
3. Жанубий Кореяда педагогик технологияларга асосланиб ўтказилган тажриба-синов натижаларини аниқланг
А) 50-60%
Б) 85 %
В) 75 %
Г) 80 %
4. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида амалга оширилаётган педагогик технологияларнинг яна қандай шакллари мавжуд?

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

Сизнингча, ривожланган мамлакатлар таълим тизимида қўлланиладиган педагогик технологиялар билан Ўзбекистон таълим тизимида қўлланиладиган педагогик технологиялар ўртасидаги боғлиқлик ва фарқ мавжудми?

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг барча босқичларида янги педагогик технологияларни ислоҳ қилиш мумкинми?

Таълим тизимида ислоҳ қилинаётган педагогик технологияларни солиштиринг ва фарқини айтинг.

Мустақил иш ва топшириқлар:

1. Таълим тизимида ноанъанавий ва ижодий ёндашувларини ривожлантириш.
2. Рейтинг тизими- назорат қилиш шакли сифатида.
3. Ўқув материални ўзлаштиришнинг асосий даражалари ҳақида тушунча.
4. Педагогик технологияларда кафолатли натижага эришишнинг шарт-шароитлари.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки технологик ёндашув асосида педагогик фаолиятни ташкил этиш индивидуал ва ижодий хусусиятга эга. Шу боис таълим ва тарбия жараёнини йўлга қўйишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳар бир педагогнинг шахсий имкониятлари, касбий маҳорати ҳамда ижодкорлик маҳоратига боғлиқ.

Адабиётлар.

1. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент. 1998
2. Беспалько "Слагаемое педагогической технологии" 1990.М.
3. Фарберман Б. Л. Илғор педагогик технологиялар. Т. 1999.
4. Б.Рахимов. «Бўлажак ўқитувчида касбий-маданий муносабатларнинг шаклланиши» номзодлик диссертацияси. Т., 2003 йил, 107-бет.
5. Б.Рахимов «Касбий-маданий муносабатлар ва ЯПТ» ж.Халқ таълими 5-сони, 2001 йил

ИНТЕРНЕТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1. [http:// WWW . guldu/ uz /](http://WWW.guldu.uz/).
2. [http:// WWW . gulduportal.uz /](http://WWW.gulduportal.uz/).
3. [http:// WWW . ziunet. uz /](http://WWW.ziunet.uz/).
4. [http:// WWW . guldu. zn/ uz /](http://WWW.guldu.zn/uz/).

2-мавзу: ЎЗЛАШТИРИШНИНГ ТУРЛИ ДАРАЖАЛАРИ

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: Дарс мақсади: Талабаларга ўқув материални ўзлаштириш даражалари ҳақида тушунча бериш, ўқув материални ўзлаштириш даражаларини таснифлаш, методлар ҳақида тушунча бериш, таълимга ёндашувларни таърифлаш. педагогик янгиликка ва ижодкорликка интилишни шакллантириш 1.2. Идентив ўқув мақсадлари. • Ўқув материални ўзлаштириш даражаларини тушунтиради. • Ўқув материални ўзлаштириш даражаларини таснифлайди. • Ўқув материални ўзлаштириш даражаларини таълим жараёнидаги аҳамиятини изоҳлайди 1.3. Асосий тушунча ва иборалар: ўзлаштириш даражалари, маълумотни эсда сақлаш, хотирада қайта тиклаш, репродуктив ўзлаштириш даража, продуктив ўзлаштириш даража, ижодий–изланишли даража, таълимга уч хил ёндашув 1.4. Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда. 1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: Маърузалар матни, ўқув қўлланма, проектор, таркатма материаллар, слайдлар Керакли жиҳоз ва воситалар: Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория	Ўқитувчи
2	Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи, 15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга муаммоли савол беради . 3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4. Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	Мустақамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: 1. Ўқув материални ўзлаштириш даражаларини тушунтиради. 2. Ўқув материални ўзлаштириш даражаларини таснифлайди. 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 15 минут
5	Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади (23 -бет).	Ўқитувчи, 10 минут

	5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	
--	---	--

Асосий саволлар.

1. Ўқув материални ўзлаштиришнинг асосий даражалари ҳақида тушунча.
2. Таълимга уч хил ёндашув. Ўқув жараёнини лойиҳалаштириш.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар.

Ўзлаштириш даражалари, маълумотни эса сақлаш, хотирада қайта тиклаш, репродуктив ўзлаштириш даража, продуктив ўзлаштириш даража, ижодий–изланишли даража, таълимга уч хил ёндашув

III.Мавзуга оид муаммолар:

1. Педагогик технология асосида ташкил қилинган ўқув жараёнида ўқув материални ўзлаштириш даражаларига эришиш учун бир неча методлардан кенг фойдаланилади. Мана шу методлардан таълимнинг барча турларида фойдаланса бўладими? Ушбу методлар ўртасида мутаносибликни аниқланг.
2. Маълум бўлишича таълим жараёнида уч хил ёндашув бўлиб, мана шу ёндашувларда кенг қўлланиладиган услубларни аниқланг ва солиштиринг

1- савол бўйича дарснинг мақсади:

Талабаларга ўқув материални ўзлаштириш даражалари ҳақида тушунча бериш, ўқув материални ўзлаштириш даражаларини таснифлаш, методлар ҳақида тушунча бериш, таълимга ёндашувларни таърифлаш. педагогик янгиликка ва ижодкорликка интилишни шакллантириш

Идентив ўқув мақсади:

1. Ўқув материални ўзлаштириш даражаларини тушунтиради.
2. Ўқув материални ўзлаштириш даражаларини таснифлайди.
3. Ўқув материални ўзлаштириш даражаларини таълим жараёнидаги аҳамиятини изоҳлайди.

Биринчи саволнинг баёни.

Маълумки, педагогикада талабаларнинг таълим жараёнидаги фаоллигини оширишга қаратилган бир неча ўқитиш методлари ишлаб чиқилган: муаммоли ўқитиш, иш фаолиятини ифодаловчи уйинлар, роллар бажариш, контекст ўқитиш ва хоказо. Аммо улар олий таълим тизимида кенг қўлланилади, деб бўлмайди. Бунинг сабаби шунда бўлса керакки, бундай ҳар бир машғулотга тайёргарлик педагогик изланишни кўзда тутати, юксак касбий маҳоратни, ижодий ёндашув ва кўп вақтни сарфлашни талаб этади. қоидага кўра, ҳар бир бундай машғулот сценарийси ўзига хос хусусиятга эга ва қайтарилмасдир.

Тубдан фарқ қилувчи таълим турларини кўриб чиқамиз: оғзаки-иллюстратив, технологик ва изланувчан-ижодий. Аввало уларнинг умумий жиҳатларини таққослаймиз, кейинчалик эса бошқа бобларда педагогик технология элементлари билан чуқурроқ танишамиз.

Ҳар қандай жараён - ҳаракатдир, моддий дунёдаги нарсалар ёки ҳодисаларнинг аста-секин ўзгаришидир. Ўқитиш жараёни ҳам ёш авлодда ақлий кучларни ривожлантиришга ва ахлоқий сифатларни шакллантиришга қаратилган ҳаракатдир.

Ўқитиш жараёни ўқитувчининг ва у раҳбарлик қиладиган ўқувчиларнинг - уларда ақлий қобилиятларни ўстириш, диалектик дунёқараш асосларини таркиб топтириш ва ҳаётга тайёргарликни амалга ошириш мақсадида - билим, кўникма, малакалар тизимини онгли ҳамда пухта ўзлаштиришга қаратилган илмий асосдаги ишларнинг мажмуасидир.

Ўқитиш жараёни билиш назарияси асосида таркиб топади. Ҳозирги илғор педагогика инсон шахсини мақсадга мувофиқ шакллантиришга тарбия, ўз-ўзини тарбиялаш ва ижтимоий тажрибадан иборат тизим сифатида қарайди.

Ўқув жараёнининг моҳияти ўқувчи билиш фаолиятининг мантиқи бўлиб, у биринчидан, билиш биздаги билимларнинг ягона манбаи бўлиб амалиётни ўрганишдан бошланиши, мавҳум фикрлаш асосида назарияни умумлаштириш кераклигидан: иккинчидан билиш олинган билимларни, назарий умумлаштиришларни инсондаги билимлар ҳақиқийлигининг ягона объектив мезонлари сифатида ҳам хизмат қиладиган амалиётга таққослаш зарурлигидан келиб чиқади. Ўқув жараёнини билиш жараёнини инсон фаолияти сифатида психологик-педагогик жиҳатдан лойиҳалашга асосланишини ва олинган билимларни амалиётда қўллашни ҳам ўз ичига олади.

Ҳозирги дастурлар маълумотнинг назарий савиясига талабларни оширишга, мактабда ўқишнинг дастлабки кунларидан бошлаб, болаларда ижодий фикрлашни ривожлантиришга, уларда фанларнинг назарий тушунчаларини ҳосил қилишга, умумлаштириш ва мантиқий мулоҳаза юритиш малакаларини шакллантиришга қаратилган.

Билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларнинг ақлий камол топиши ва тўғри тарбияланиши ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бунинг учун педагогларнинг маълум даражада таъсир кўрсатиши ҳам ниҳоятда зарур.

Ҳозирги куннинг талаби- ўқув жараёнини ўқувчиларда фақат такрорлашга доир фикрлашни эмас, ижодий тафаккурни ҳам шакллантиришдан иборат.

Ўқитишнинг бошланғич даврида таълим мазмуни ўқувчилар томонидан умумий қонуниятларга биноан ўзлаштирилади:

Идрок- тушуниш (англаш)-қабул қилиш (репродуктив фаолиятда-ёдда тутиш)-янги шароитларда фойдаланиш.

Ривожлантирувчи таълим шароитида идрок этишнинг ўзига хос томони ўқувчининг ўзлаштирилмаган соҳани- тенглаштириш, таққослаш, қонуниятларни аниқлаш, қўйилган муаммони ҳал этишнинг турли йўллари излаб топиш, ўқувчи учун оптимал бўлган усулни амалий тарзда ўзлаштиришдаги актив фаолият пайтидаги ўқувчининг субъектив ҳолати ҳисобланади, фаолият натижаси сифатида ўқувчи ахборотни ўзлаштирибгина қолмай, жамоа изланишга ва натижалардан қониқишга алоқадорлик ҳиссини сезади, англайди.

Маълум, ўқитиш билимларни ўзлаштириш ва билиш йўллари тушунишни ўз ичига олади. Таълим - ўқишга раҳбарлик қилиш, ўқувчиларнинг билиш ишларини бошқаришдир.

1. Таълим жараёнида бир қанча методлар мавжуд бўлиб, бу методлар ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини ривожлантиришга ёрдам беради. Ўқув материални ўзлаштиришнинг бир неча даражалари мавжуд.

Ўқув материални ўзлаштириш даражаларини келтирамиз:

1. Эсга олиш, хотирада тиклаш – ўзлаштириш даражаси
2. Репродуктив – ўзлаштириш даражаси.
3. Продуктив (унумли) – ўзлаштириш даражаси.
4. Ижодий – ўзлаштириш даражаси

Эсга олиш, хотирага тиклаш - ўзлаштириш даражасида ҳар қандай ўрганилаётган материални изоҳлаш ёки асослаш учун зарур бўлган ўқув материали (мазмуни) ни ўзлаштирилишидир. Бу материалдаги ҳодисалар ёки воқеалар бир – бири билан боғланишда ва ривожланишда бўлиб, албатта аввалги ўрганилганларига асосланади, ҳамда уни такрорлаш ва эсга олиш ёки хотирага тиклаш лозим бўлади. Бунинг учун материални баён қилишда кўргазмалиликдан фойдаланилади.

Репродуктив – ўзлаштириш даражасида бир турдаги масала ёки машқлар (саволлар) ни намунага (тайёр ечиб кўрсатилган) қараб еча олишга мўлжалланган ўқув материалига айтилади. Репродуктив метод ҳам бор. Бу метод намунага қараб ўқув

материалини ўзлаштириш методидир. Ҳар қандай материални баён қилишда ёки бу материални тезроқ тушуниш учун (дарсликларда берилади) тайёр ечиб кўрсатилган методик нуқтаи назардан қулай машқлар берилиши ҳозир одатга айланган. Бундай машқлар ўрганилгандан сўнг бошқа намунага ўхшамаган лекин намунага қараб ечилиши мумкин бўлган машқлар тушунилади. Машқлар (саволлар) намунадаги яъни репродуктив усулдаги ўзлаштиришга мўлжалланган ўқув материали бўлса, бўларни намуна билан бир хил турдаги ўқув материали дейилади. Бу метод билан ҳар қандай материални ўрганиш қулай ва материални ўзлаштиришдаги дастлабки қадамлар бўлади. Лекин бу усулда олинган билим ўқувчининг эсида турмайди, яъни олинган билим мустаҳкам бўлмайди. Бу билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш ва уни амалиёт билан боғлаш учун эса бошқа метод яъни продуктив методдан фойдаланилади. Репродуктив методда билимларни ўзлаштириш даражалари бир хил бўлади.

Продуктив (унумли) ўзлаштириш даражаси деганда ностандарт (стандарт бўлмаган, намунаси бўлмаган ёки намунага ўхшаш бўлмаган) яъни берилган турдаги машқ билан бир хил турда бўлмаган вазифаларни ўзлаштиришга айтилади. Бундай материални ўзлаштириш учун ўқувчиларнинг маълум даражада ўйлашлари ва фикрлашлари талаб қилинади. Лекин бу материал маълум алмаштиришлардан ёки операциялардан сўнг фикрлаш ёрдамида яна намунадаги (вазифага, стандартга, репродуктив даражадаги материалга) келиш мумкин. Бунинг учун ўқувчилар топшириқ устида маълум даражада мустақил ишлашларига тўғри келади. Ўқитувчи эса ўқувчига фурсат беради ва керак бўлганда ёрдам беради. Репродуктив ўзлаштириш даражасидаги ҳолга қайтиш унча мураккаб бўлмаслиги керак. Материални ўрганишда продуктив методдан репродуктив методга қайтилаганда ўқувчи мустақил фаолият кўрсатади, аммо бунда тўла маънодаги ижодий фаолият кўрсатмайди.

Ижодий ўзлаштириш даражаси (ёки қисман ижодий) ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини турли ҳолатларда тадбиқ эта олиш, масала ечишнинг турли йўллариини излаш (ўқитувчи кўрсатмаган, айтмаган методлар)ни қўллашга асосланган ўқув материалига айтилади. Бунда ижодий метод қўлланилади. Ижодий метод, муаммоли методлар синфига киради. Мисол учун маъруза билан чиқиш, мунозара қилиш, мустақил ишлар тайёрлашда ижодий метод қўлланилади, шу билан бирга юқорида келтирилган эсга олиш ва хотирада тиклаш, репродуктив, продуктив ва ижодий ўзлаштириш ҳам биз юқорида келтирилган таълим мақсадлари (таълимнинг умумийлиги, тарбиявийлиги ва ривожлантиришлиги) бирлашиб комплекс ҳолда келади.

Ўқув материалини ўзлаштириш даражаларига эришиш учун таълим жараёнида бир қанча методлардан фойдаланилади.

Муаммоли таълим методлари

Ўқувчилар фаннинг турли соҳаларидан кенгроқ маълумот ўрганиши, ўзлаштириши билан бирга ҳаётга ижодий муносабат малакаларини таркиб топтириш керак. Ана шу мақсадда ўқитишни ўқувчиларнинг у ёки бу шаклдаги таълимий фаолияти тадқиқодни эслатадиган, ўқувчилар учун "кашфиётлар" билан тугайдиган, яъни мустақил ҳолда ҳулоса чиқарадиган ва қандйдир амалий вазифани ҳал қиладиган методларга асосланиш зарур. Муаммоли таълим масалалари бўйича жуда кўп педагоглар, дидактлар, олимлар тадқиқод ишларини олиб боришган. Масалан, Бабанский, Лернер, Матюшкин, Махмутов ва бошқа олимлар.

Тадқиқод методи

Бу метод, биринчидан, билимларни ижодий қўлланишини таъминлашга, иккинчидан, илмий билиш методларини излаш жараёнида мазкур методларни ва уларнинг қўлланишини ўзлаштиришга қаратилади. Учинчидан, ижодкорлик фаолияти

ҳислатларни шакллантиради, тўртинчидан, ана шундай фаолиятга қизиқиш ҳамда эҳтиёжни таркиб топтиришнинг шарт ҳисобланади.

Изланишли метод (эвристика)

Ўқувчиларни аста секин муаммоларни ҳал этишга яқинлаштириш учун аввало тадқиқоднинг айрим босқичларини бажаришга ўргатиш, уларда аста-секин кўникма қосил қилиш зарар. Ушбу методнинг муқим томони шуки, унда ўқитувчи муаммоли масалани кичик муаммоларга ажратади, ўқувчилар эса ана шу муаммони биргалашиб бажаради.

Тушунтириш, намойиш этиш методи.

Бу методнинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг ахборотни ўзлаштиришини ташкил этишдир. Бу фаолият шундан иборатки, ўқитувчи тайёр ахборотни турли воситалар билан беради, ўқувчилар эса ана шу фаолиятни идрок этадилар ва эслаб қоладилар. Ўқитувчи ахборот беришни оғзаки, дарслик ва кўшимча қўлланмалардаги иборалар, кўрсатмали қуроллар ва х.к. ёрдамида амалга оширади. Ўқувчилар берилган билимларни ўзлаштириш учун янги ахборотни тинглайдилар, кўрайдилар, ўқийдилар, қўзатадилар ва хотирада сақлайдилар.

Репродуктив метод

Ўқувчилар кўникма ва малакаларни эгаллаши, шу билан биргаликда билимларни ўзлаштирининг иккинчи даражасига эришиши учун ўқитувчи топириқлар тизими орқали уларнинг ўзларига берилган билимларни бир неча марта эслатади. Ўқитувчи топшириқлар беради, ўқувчилар эса топшириқларни намуна асосида ечадилар.

Назорат саволлар:

1. Ўзлаштириш деганда нимани тушунасиз?
2. Ўқув материални ўзлаштириш даражаларини таснифланг.
3. Ўқув материални ўзлаштириш даражаларига эришиш учун таълим жараёнида қандай услублардан фойдаланилади?
4. Таълимнинг оғзаки услулари топинг.
А) ҳикоя, маъруза, суҳбат ва бошқалар
Б) ҳикоя, кўргазмали қуроллар, тажрибалар
В) ҳикоя, маъруза, намойиш қилиш, техник воситалар, суҳбат ва бошқалар
Г) ҳикоя, маъруза, суҳбат, экскурсия ва бошқалар
5. Ўзлаштириш даражаларининг таълим жараёнидаги аҳамиятини тушунтиринг

2- асосий савол бўйича дасрнинг мақсади:

Талабаларга таълим-тарбия жараёни ҳақида тушунча бериш, таълим тизимидаги ёндашувлар ва уларнинг хусусиятини ёритиш, ўқув жараёнини лойиҳалаш ҳақида тушунча бериш. Ўқитувчилик касбига қизиқтириш

Идентив ўқув мақсади:

1. Таълим жараёнидаги турли хил ёндашувларнинг моҳиятини изоҳлайди.
2. Ҳар бир таълим жараёнидаги ёндашувга таъриф беради.
3. Ўқув жараёнини лойиҳалашни ўрганади ва амалиётда қўллайди.

Иккинчи асосий савол баёни.

Оғзаки-иллюстратив ёндашув. У анъанавий бўлиб ва асосан ўқитувчининг ахборот бериши, талабаланинг қабул қилаётган билимни тўплаши ва хотирасида сақлаши билан белгиланади.

Шу билан бирга, К.Г.Марквардт (1981) фикрига кўра, "билим" тушунчасининг асл моҳияти хотирада сақланувчи ахборот сифатида қаралади. Бундай билимлар, уларни қўллаш кўникмалари текшириб қурилади(имтиҳонларда), яъни хотирадагини ҳеч қандай қўлланмасиз, шу билимларга қаратилган тўғридан-тўғри саволларга жавобан ифода этилади. Бу тизимдаги билимлар - асосан эса сақлаб қолиш натижаси, кўпинча

расмий маълумотдир. Улар актуаллаштирилади, яъни чуқур хотирадан юзага келтирилади ёки бошқа сўз билан айтганда, фақат унга қаратилган тўғридан тўғри савол пайтида эсга олинади. Қайта эсга олиш даражасидаги билим узоқ вақт хотирада сақланмайди. Керакли пайтда қийинчилик билан эсга олинади, айрим ҳолларда эса умуман эсга олиб бўлмайди.

Маълумот бериш тизимида тайёр билимларни "ўқитувчи - талабаларга", бу билимларга уларнинг эҳтиёжи ва фаоллик даражаси боғлиқ бўлмаган ҳолда, бевосита бериш мумкин бўлган имкониятидан келиб чиқишади. Шунга кўра ўқитувчининг асосий вазифаси - зарурий ахборотни маълум қилиш ва уни хотирада мустаҳкамлаш устида ишлашдир.

Бундай ўқув жараёнида ўқув предмети соатлар миқдори, ваъз, лаборатория ва амалий машғулотлар оралиғидаги соатлар тақсимоли, дарс ўтиш жойи қатъий белгилаб олинади. Лекин педагог виждонига тегишли таълим натижаси деярли умуман ҳисобга олинмайди.

В.Гузеевнинг таъкидлашича, анъанавий методика учун дастур талабларида ифодаланувчи таълим мақсадларини "Ўзлаштириш" тушунчаси қобилига уралган таълим олувчиларнинг ҳолати ҳақидаги қандайдир ноаниқ тасаввур билан тавсифлаш характерлидир. Кўпроқ муваффақиятларга эришган ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини умумлаштириш асосида таълим жараёнлари ташкил этилади. Ҳар бир аниқ вазият учун илғор ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти намунаси қидирилади, аммо таълимнинг бир қатор олимлари ва амалиётчилари алоҳида методикаларнинг даври ўтганлигини ва ҳар қандай илғор педагоглар тажрибаларини умумлаштириш (ҳаттоки ноёб ҳодисалар ҳақида ҳам умуман гапириш мумкин бўлса) тизимли ва мақсадга йўналтирилган, гаровланган, самарали таълимни куриш имконини бермаслигини қайта-қайта таъкидлашмоқда.

Таълимда оғзаки-иллюстратив ёндашув жуда катта тажрибага эга ва қисмларга ажратилиб ишлаб чиқилган бўлиб, таълим тизимида улкан хизмат кўрсатди. У бироз бўлсада такомиллашувда давом этмоқда, аммо бу такомиллашувнинг имкониятлари чекланганлиги ёндашувнинг ўзига қўйилган принципларидадир. Жадал суратлар билан ўсиб бораётган фан ва техника талаблари, таълим тизимидаги ислохотлар рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, шахсни ривожлантириш, унинг маълумот олиш истакларини қондиришга бўлган жамият эҳтиёжлари ва ўқитиш методлари ўртасида зиддиятлар туғилишига олиб келди.

Технологик ёндашув

Энг аввало, таълимга технологик ёндашувнинг умумий характеристикаси (қисмларга ажратмаган ҳолда), таълимнинг жуда оддий репродуктив даражаси сифати мисолида қараймиз. Бундай вариантнинг танланиши М.В.Клариннинг "Педагогическая технология в учебном процессе" китобида келтирилган концепцияга мос келади.

Маълумки, репродуктив таълим ўқувчиларни ёд олинган қоидалар асосида, бир хил вазиятдаги намуна бўйича ҳатти-ҳаракатларини ўзлаштириш имконини беради. Шунинг таъкидлаш жоизки, ҳаттоки ўқувчилардан бир хил вазиятда бўлмаган вазифаларни ҳал этиш қўникмаларини талаб этувчи, маълум қоидалар комбинацияси асосида ечимнинг янги субъектив алгоритминини ишлаб чиқиш зарур бўлган ўзлаштиришнинг продуктив даражаси кўзда тутилган тақдирда ҳам репродуктив элемент қўллаб ўқув предметларининг ичига кириб борган (айрим ҳоллардан ташқари).

Педагогик технология доирасида репродуктив даражасидаги таълим аниқ қайд этилган ва қисмлари тавсифланиб, қўйилган натижалари билан асл ҳолича қайтариш лозим бўлган конвейерли жараён сифатида кўрилади. Ўқув материали аниқ қайд этилган ўқув мақсадида мос ҳолда ишлаб чиқилган, махсус фрагментларга (модулларга) ажратилган, ўқув материални тавсия этишнинг альтернатив йўллари

кўзда тутати, ҳар бир қисми тест ва қўшимча тузатишлар киритиш билан ҳамоханг бўлади. Ўқув ишлари юқори натижаларга эришишга қаратилган. Бундай йўналтирилганлик машғул бўлиш, мусобақалашуш ва ўзаро ёрдамлашуш элементларидан ҳалос эмас. Шу билан бирга у бутун таълим жараёнида репродуктив характер беради. Шунинг учун ҳам у минимум зарурий билим, кўникма ва малакаларни ўргатишда кўпроқ самара беради. Технологик ёндашувни қўллаш қўйилган ўқув мақсадларига гаровли эришиш имконини беради. Бундай самара берувчи механизмлар кейинги бобларда ўз аксини топган.

Изланишли ёндашув

Бундаги мақсад ўқувчиларда муаммони ҳал этиш, янги, охиригача тугалланмаган тажрибани мустақил ўзлаштириш, хатти-ҳаракатнинг янги йўллари яратиш қобилиятларини, шахсий маъно касб этишини ривожлантиришдан иборатдир.

Изланувчан таълим андозасининг таълим мазмуни, табиат ва жамият билан ўзаро таъсири шахсни тадқиқотчилик йўлига бошлаш, унинг жадал ижодий фаолияти характери билан боғлиқ.

Шу билан бирга педагог таълим олувчилар ўқув фаолиятини бошқаришда демократик, рағбатлантирувчи йўл тутати, уларнинг шахсий тугалланмаган тажрибани мустақил ўзлаштириш, хатти-ҳаракатнинг янги йўллари яратиш қобилиятларини, шахсий маъно касб этишини ривожлантиришдан иборатдир.

Изланувчан таълим андозасининг таълим мазмуни, табиат ва жамият билан ўзаро таъсири шахсни тадқиқотчилик йўлига бошлаш, унинг жадал ижодий фаолияти характери билан боғлиқ.

Таъкидлаш лозимки, педагогикада ҳам технологик, ҳам изланувчан ёндашувлар зарур: уларнинг ҳар бирида қўлланиладиган ўз ўрни бор ва уларнинг оптимал равишда бирга кушиб олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Олдин эслатиб ўтилганидек, бугунги кунга қадар ривожланган давлатларда таълимнинг турли даражалари учун педагогик технологиянинг андозалари ишлаб чиқилган, жумладан, продуктив ва изланувчан - ижодий таълим учун, улар ҳақида кейинчалик сўз юритилади.

Ўзбекистон педагоглари педагогик технология билан етарлича таниш эмаслар. Албатта, бу ҳолатни тузатиш учун жиддий эътибор ажратиш зарур. Кўп босқичли таълим тизимида, янги стандартлар ва дастурлар доирасида таълим эскирган методикалар бўйича олиб борилишига йўл қўйиб бўлмайди. Таълим тизими тузилишидаги кенг камровли ислохотларни Республика педагоглари илгор педагогик технологияларни ўзлаштириш ва ўқув жараёнида қўллаш билан мустаҳкамлашлари зарур. Аввал таъкидланганидек, бунинг учун педагоглари ўқув жараёнига, технологик ёндашувга ўргатиш талаб этилади, бу нафақат фойдаланиш, балки уни Ўзбекистоннинг тажрибалари, анъаналари, маданиятини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш имконини беради.

Технологик ёндашув доирасида яратилган дидактик лойиҳалаш усулларига бўлган муносабатингиз ўқув жараёнини оқилона, аммо шу билан бирга ижодий режалаштириш, янги фикрлар билан бойитиш, уларнинг натижаларини баҳолашга ёрдам беради.

Дарсликлар яратувчи муаллифларнинг ҳам педагогик технология асосида ўқитишнинг хусусиятларини ҳисобга олишлари жуда муҳимдир.

қайд этиш жоизки, анъанавий ўқув жараёнида технологик ёндашувни тўлалигича эмас, балки элементларини қўллаш (уларни ўзлаштирилган ва тегишли методик таъминотининг тайёргарлик даражасида) мумкин. Бу, энг аввало, педагогик технологиянинг ядроси, марказий нуктаси, деб жойлаш мумкин бўлган алоҳида ўқув мақсадларини конкретлаштириш йўлларига тегишлидир. Улар кейинги бобларда ёритилган.

Педагогик технология пайдо бўлгунча қадар бошқа масалалар қаторида мураккаб қурилма ва жараёнлар ўрганиладиган таълим тизими доирасида айнан таълим жараёнини етарлича самарали проектлаш (тузиш) қондаси ишлаб чиқилмади. Бу бўшлиқни педагогик технология педагогнинг лойиҳалаштирилган ўқув жараёнига ижодий ёндашуви учун кенг ўрин қолдирган ҳолда тўлдиради.


Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига гаровли эришиш ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, юзақиликда эмас, балки режалаштирилган натижани амалга ошириш имконини берувчи конструктив, кўрсатмали схемада ўз ифодасини топади.

Мақсадга йўналтирилганлик, жараён натижаларини ташхисли текширув, таълимни алоҳида ўргатувчи эпизодларда бўлиб, ташлаш - ўқув жараёнининг барча бундай қирраларини бугунги кунда таълимни қайта ишлаб чиқиш цикли ғоясига мужассамлаштириш имкони туғилди.

У асосан ўз ичига қуйидагиларни олади (бунда улар тўлиқ эмас, тезис шаклида берилган):

- таълимда умумий мақсаднинг қўйилиши;
- тузилган умумий мақсаддан аниқ мақсадга ўтиш;
- ўқувчиларнинг билим даражаларини дастлабки (ташхисли) баҳолаш;
- бажариладиган ўқув ишлари мажмуаси (бу босқичда тескари боғланиш асосида зудлик билан таълимга тузатиш киритиш бўлиб ўтиши лозим);
- натижаларни баҳолаш;

Бундай қайта ишлаб чиқарилган қурилма шарофати билан ўқув жараён "модулли" характерга эга бўлади, турли мазмун билан тўлдирилган, умумий структурага мос ҳолда ишлаб чиқилган блоклар, қисмлардан иборатдир (1- расмга қараңг).



1-расм. Ўқув жараёни лойиҳалаш

Ҳақиқатда ҳам бу бутун ўқув жараёнида тулалигича фойдаланиладиган мазмуннинг (таълимни назорат қилиш ва тартибга солишнинг мақсадлари, аниқ усулларига мос келувчи вариантлар билан) янгидан-янги қисмларида қайта-қайта такрорланиб қўлланиладиган педагогнинг циклик хатти-ҳаракатлари алгоритмидир.

Ўқув мақсадларининг тўлиқ стандартлаштирилишининг меъери қўйидагича бўлиши мумкин:

- а) юқори, аммо мутлоқ эмас; б) мутлоқ;

Биринчи ҳолатда мақсаднинг мураккаблиги туфайли уни тўлиқ кузатувчан хатти-ҳаракатлар типига айлантириш имконини бермайди, цикл тулалигича қайта ишлаб чиқилмайди.

Иккинчисида биз конвейерли жараён бўлган таълимнинг репродуктив (кўрсатмали) типи билан иш юритамиз.

Шундан бошлаймиз:

Ўқув жараёнини педагогик технология асосида ташкил этишнинг режалаштириш босқичида, етакчи педагог-методистлар гуруҳи педагогик технологиянинг қонун-қоида ва принциплари асосида услубий материалларни ишлаб чиқиш пайтларида юксак малака талаб этилади. Материаллар тайёр бўлгач, педагог, асосан, ташкилий ва консультатив (ижодий қўшимчалар киритиш имконини сақлаган ҳолда) вазибаларни бажаради.

Ўқув жараёнининг барча босқичларида бутун системанинг асосий технологик жиҳати - ўқув жараёнининг сўнгги натижаларига йўналтирилганлигини кузатиш мумкин.

Умумий кўринишда педагогик технология таркибига қуйидагилар киради:

- идентификациялашган ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадлари (барчасини қамраб олувчи тасниф) таксономияси;
- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига айлантириш;
- мақсадга эришиш усуллари (ўз ичига бир неча қоида ва принципларни олади);
- эришилган ўқув мақсадларини баҳолаш.

Назорат саволари

1. Таълим жараёнида ёндашувларни аниқланг.
 - А) оғзаки-иллюстратив, технологик ва ижодий-изланишли ёндашув
 - Б) оғзаки-иллюстратив, технологик ва кўргазмали ёндашув
 - В) оғзаки-иллюстратив, амалий ва ижодий-изланишли ёндашув
 - Г) намойиш қилиш, технологик ва ижодий-изланишли ёндашув
2. Оғзаки-иллюстратив ёндашув ҳақида тушунча беринг.
3. Технологик ва ижодий-изланишли ёндашувларини таърифланг .
4. Ўқув жараёнини лойиҳалаштиришнинг таълим тизимидаги аҳамиятини изоҳланг.

Мустақил иш топшириқлари:

1. Педагогик технологияларнинг пайдо бўлиши, тараққиёти ва асосий тушунчалари.
2. Илғор педагогик технологиялардан фойдаланишнинг истиқболлари.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Ижтимоий, гуманитар ва табиий фанлар моҳиятидан англанадики, олий ўқув юртлири янги педагогик технологиялардан фойдаланиш борасида катта имкониятларга эга. Мазкур имкониятларни англай олиш педагогик фаолиятга нисбатан бир оз ижодий технологик ёндашиш машғулотларнинг қизиқарли бўлишини таъминлаш билан бирга ўқувчилар томонидан ҳар бир мавзу бўйича билимларни пухта эгаллаши учун замин яратади. Дарҳақиқат, ўқув машғулотлари унинг доимий равишда бир хилда такрорланиши ўқувчиларда лоқайдлик, билим олишга нисбатан масъулиятсизлик кайфиятини ҳосил қилади. Айни вақтда бундай ҳолатнинг олдини олишни энг самарали йўли сифатида таълим муассасалари фаолиятига илғор педагогик технологияларни изчил ва мақсадга мувофиқ равишда тадбиқ этиш эътироф этилмоқда.

Асосий адабиётлар рўйхати:

1. И. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.,98.
2. Тализина.Н.Ф. Управление процессом усвоения знания.М.,87.
3. Вертгеймер.М. Продуктивное мышление.М.,87.
- 4.Н.Саидахмедов «Педагогика маҳорат ва педагогика технология» Т.,2003 йил

3-мавзу. МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР КАТАЛОГИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ.

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: Дарс мақсади: Талабаларга таълим жараёнида мақсад қўйишнинг аҳамиятини тушунтириш, тарбиявий, таълимий ва ривожлантирувчи ўқув мақсадлар ҳақида тушунча бериш. Идентив ўқув мақсадлари. 1. Ўқув жараёнида мақсад қўйишни ўрганади. 2.Таълим тизимида мақсад қўйишнинг аҳамиятини ёритади. 3. Анъанавий мақсад қўйишнинг турларини таққослайди Асосий тушунча ва иборалар: мақсад, таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсад, идентив ўқув мақсад, таксаномия, билиш, тушунтириш, анализ, синтез, фойдаланиш, таққосланадиган таълим мақсади 1.3. Дарс шакли: Ахборот маъруза ва “Б.Б.Б” жадвали 1.4. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: Кўргазмали маъруза, намоёйиш этиш, савол-жавоб, суҳбат, тушунтириш, тақдирот, Блиц – сўров 1.5. Керакли жиҳоз ва воситалар: Маъруза матни, ўқув қўлланма, компьютер технологиялари, слайдлар проектор, қоғоз, маркер, китоб, доска, бўр	Ўқитувчи
2	Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи, 15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга муаммоли савол беради(слайд -1) . 3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4. Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	Мустақамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1.Бошланғич таълим тизимида ва ўрта умумий таълимда ўқув жараёнининг мақсадларини солиштириш, фарқини изоҳланг. Ўқув жараёнида ўқув мақсадларини қўймасдан дарсни ташкил этса бўладими? Мана шундай ташкил қилинган дарсларнинг самараси қандай бўлади? 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 15 минут
5	Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади (30-бет). 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли	Ўқитувчи, 10 минут

Асосий саволлар.

1. Таълим жараёнида мақсад қўйишнинг аҳамияти.
2. Анъанавий мақсад қўйиш турлари.
3. Идентив ўқув мақсади

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Мақсад, таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсад, идентив ўқув мақсад, таксаномия, билиш, тушунтириш, анализ, синтез, фойдаланиш, таққосланадиган таълим мақсади.

Мавзуга оид муаммолар:

Ҳозирги кунда таълим тизимида янги педагогик технологиялар жорий этилмоқда. Таълим-тарбия ишлари инновацион ёндашувларга асосланган ҳолда олиб борилмоқда. Сизнингча, нима учун Ю.К. Коменский, И.Г. Песталоцци, А. Дистервег, И.Ф. Гербарт, К.Д. Ушинский каби педагогларнинг фикрлари ҳали ҳам долзарб деб ҳисобланади?

XIX- асрларда Ўрта Осиё таълим тизимида мақсад қўйишнинг қандай турлари мавжуд бўлган ва уларни ҳозирда таълим тизимида қўлланилаётган мақсад турлари билан солиштиринг.

Сизга маълумки, олий таълим тизимида идентив ўқув мақсадларини қўйиш самарали натижа беради. Ўзбекистонда таълим тизимининг барча босқичларида ушбу мақсаддан фойдаланиш мумкинми? Агар мумкин бўлса, қай йўсинда?

Биринчи асосий савол бўйича дарснинг мақсади.

Талабаларга таълим жараёнида мақсад қўйишнинг аҳамиятини тушунтириш, тарбиявий, таълимий ва ривожлантирувчи ўқув мақсадлар ҳақида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари.

1. Ўқув жараёнида мақсад қўйишни ўрганади.
2. Таълим тизимида мақсад қўйишнинг аҳамиятини ёритади.
3. Анъанавий мақсад қўйишнинг турларини таққослайди.

Биринчи асосий саволнинг баёни.

Педагогик технология сўз бирикмаси асосида "Технология", "Технологик жараён" тушунчалари ётади. Бу саноатда техник ҳужжатлар белгиланадиган ва аниқ натижага эришишга қаратилган операциялар тизимини англатади, педагогикада эса ўқув предмети бўйича методик ишланма.

Педагогик технологияни тушунишнинг асосий йўли аниқ белгиланган мақсадларга қаратилганлик, таълим олувчи билан мунтазам ўзаро алоқани ўрнатишдир. Ўзаро алоқа педагогик технология асосини ташкил қилиб ўқув жараёнини тўлиқ қамраб олиши керак. Шу тезисни батафсил кўриб чиқайлик.

Педагог, одатда ўз олдига ўқувчилар ўқув материалининг мазмунини тушуниб, ўзлаштириб олишсин, маълум билимларни эгаллаб, амалиётда қўллашга ўргансин деган мақсадни қўяди. Лекин, ўзлаштириш, тушуниш, қўллаш нимани англатади?

Педагог ўз олдига қўйган мақсадга эришганлигини қандай билади?

Педагогик мақсадларга эришганлик ёки эришмаганликни билишнинг аниқ воситалари бўлгандагина, педагог ўзининг меҳнати самарали эканлигига ва танлаган услублари мақсадга мувофиқлигига ёки аксинча, самарасиз эканлигига ишонч ҳосил қилиши мумкин. Одатдаги ўқитиш услубини тадқиқ қилишда педагогик технология тарафдорлари айнан шу нарсани назарда тутишган эди.

Маълумки, педагог жамиятдан буюртмани умумий кўринишда олади. Ҳаттоки, ўқув дастурларида белгиланган мақсадлар ҳам бир нечта тушунтиришлар билан

чекланган. Бу ерда мақсадларни аниқлаштиришнинг ўзига хос пиллапоясини тузиш мумкин.

Энди мақсадларни тўғри қўйилиши, мақсадларни таълим мазмуни ва уни ўзлаштириш натижалари билан боғланиши бундаги назорат топшириқларини тайёрлаш даражасини мукаммал эгаллаш мақсадида ўқитувчилар педагогик технологиялар асосида маъруза матнлари кўринишидаги методик ишланмалар тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Биз қуйида методик ишланмаларнинг моделини келтирамиз. Бу моделда методик ишланмалар турли схемада тузилиши мумкин. Энг муҳими ишланмалар тайёрлашда умумий мақсадлар, идентив ўқув мақсадлари ва якуний натижа орасидаги боғланиш ўқувчини (талабини) қониқтириши лозим. Бунинг учун методик ишланма мазмуни I, II, III, IV ўзлаштириш даражали қилиб тайёрланади. Таълим мазмунини ўзлаштириш қоидалари ўқувчиларга тушунтирилади ва бу ишланмалар ўқувчиларнинг кичик гуруҳларда ҳамкорликда таълим олишларига кўмаклашиши назарда тутилади.

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари аалга оширилаётган ҳозирги шароитда таълим-тарбия болаларнинг ҳар томонлама камол топтиришнинг асосини вужудга келтиради. Уларда ўтилган материални тез тушунишини, амалиётда қўллай олишини, ҳисоблаш, ёзиш ва маданий ҳуққ малакаларининг мустаҳкам шаклланишини таъминлайди. Бундан ташқари умумий ўрта таълим ва касб-ҳунар мактаблари ўқишга ижтимоий-фойдали меҳната ҳалол муносабатни, Ватанга муҳаббатни тарбиялайди. Ўқитиш жараёнида таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларнинг қўйилиши билимларни ўзлаштириш ҳамда зарур шахсий сифатларни шакллантириш учун яхши шароитларни вужудга келтиради. Дарсда билимларни ўзлаштириш жараёнида қарашлар ва маънавий сифатлар ҳам шаклланади, албатта, яъни мазкур функцияларнинг бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги кузатилади. Масалан, агар бола дастур материални ўзлаштиради, мустақил фикрлаши етарли даражада ривожланмаганидан қатъий назар, унга юқори баҳо қўямиз. Ва аксинча, мустақил ҳолда ва ишонч билан мушоҳада юрита оладиган ўқувчи дастур материални етарлича ўзлаштирамаган бўлса, ижобий баҳо ололмайди. Ўқитувчининг ўқитиш функциялари ўзаро боғлиқлигини чуқур тушуниш унга дарснинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларини ижодий йўсинда қўйиш ва ҳал қилиш имконини беради. Дарсларда қўйиладиган мақсадлар таълим тарбия ишларини амалга оширишда усулларни излаш ва дарснинг ранг-баранглигини таъминлашга ёрдам беради. Ўқитувчининг ўқитиш жараёнида ушбу вазифаларни амалга оширишни билиши уларнинг ижодкорлик ва педагогик маҳорат билан ишлашини таъминлайди

Назорат саволлар:

1. Ўқув жараёнида мақсад қўйишнинг қандай турлари мавжуд?
2. Таълимий жараённинг ҳаракатлантирувчи кучи нима?
3. Мактабда ўқитишнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсади ҳақида тушунча беринг.
4. Таълим жараёнида мақсад қўйишнинг аҳамиятини изоҳлаб беринг

Иккинчи асосий савол бўйича дарснинг мақсади.

Анъанавий мақсад қўйишнинг турлари билан таништириш, М.Кларин бўйича мақсад қўйишни ўргатиш. Педагогик маҳоратини ошириш, бўлажак касбига бўлган муҳаббатини ошириш.

Идентив ўқув мақсадлари.

1. М.Кларин бўйича мақсад қўйишни ўрганади.
2. Анъанавий мақсад қўйиш турларини солиштиради, фарқини топади.
3. Мақсад қўйишнинг турларидан фойдаланиб, бир соатлик дарс мақсадини аниқлайди.
3. Таълим жараёнида мақсад қўйишнинг турларини тушунтиради.

Иккинчи асосий савол баёни.

Ўқитиш жараёнида таълимий-тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларни ажратиш, билимларни ўзлаштириш ҳамда зарур шахсий сифатларни шакллантириш учун яхши шароитларни вужудга келтиради. Дарсда билимларни ўзлаштириш жараёнида қарашлар ва маънавий сифатлар ҳам шаклланади, яъни мазкур функцияларнинг бирлиги ва ўзаро боғликлиги кузатилади.

Ўқитишнинг таълимий функцияси мазмунининг бошқа бир жиати далили ўқув материални ўзлаштиришдир. Ўқитишнинг таълимий мақсадини амалга ошириш ўқувчиларга бериладиган билимларнинг характериға боғлиқ. Таълимий мақсад қанчалик аниқ белгиланса ва у дарсда олинган ўқув материалға қанчалик мувофиқ бўлса, дарсда ўқитиш методини танлаш шунчалик осон бўлади.

Ўқитишнинг таълимий мақсади мажмуи ҳам берилган билимлар асосида шаклланидиган кўникмадан иборат бўлиб, билимларнинг характери тегишли кўникмалар билан белгиланади.

Ўқитишнинг тарбиявий мақсади ўқувчиларда ижобий қараш ва эътиқодларни, ахлоқийлик, иродалилиқ ва ҳиссиётларни шакллантиришдан иборатдир. Ўқитувчи ҳар бир дарсда ўқув материални ўргатиш жараёнида тарбиявий вазифанинг маълум томонини амалга оширади. Дунёқараш, шахснинг ахлоқий фазилатлари, ҳиссиётлар, иродалилиқ ва бошқаларни таркиб топтириш узлуксиз жараён бўлиб, уни аниқ чекланган қисмларға ажратиш мумкин эмас. Тарбиявий мақсаднинг натижалари таълимий мақсаднинг натижалари каби муайян ва аниқ бўлмайди. Тарбиявий мақсад турли ўқувчида турлича амалға ошади. Дарснинг тарбиявий мақсади ўқувчи шахсида муайён ахлоқий, эстетик, эмоционал ва иродавий сифатларни шакллантиради.

Ҳар қандай ўқув материални ўрганиш ўқувчининг камол топишиға, ундаги фикрлаш мантиқининг, билиш кучлари ва ўқиш мотивининг ривожланишиға таъсир кўрсатади. Ўқитишнинг ривожлантирувчи мақсадини амалға ошириш тарбиявий мақсадни амалға ошириш билан ўхшайди. Тарбиявий мақсадни амалға оширишдаги сингари камол топтириш вазифасини амалға оширишда энг муҳими ўқувчининг камол топишға интилишини шакллантиришдир. Битта дарсда анализ, синтезнинг мантиқий усулларини, мавҳум фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, фаол ва мустақил фикрларни шакллантириш вазифасини қўйиш ва амалға ошириш мумкин эмас. Дарснинг камол топтириш мақсадини амалға ошириш доимий равишда маълум ғояларни режалаштириш ва фикрлаш мантиқини, фаоллик ва билишға қизиқишни ривожлантиришдан иборатдир.

Умумтаълим мақсадлари:

1. Ўқувчиларға маълум тизимдаги билимлар, кўникма ва малакалар бериш.
2. Ўқувчиларни оғзаки ёки ёзма нутқини барча керакли сифатлари билан ривожлантириш.
3. Ўқувчиларни реал борлиқни тўғри тушунишлари учун мазкур фан мазмунидан унумли фойдаланиш. Ўқув материални қўллаш.
4. Келажакда ўқувчи мустақил узлуксиз таълимни давом эттириши (тўлдиришлари) учун керакли билим, маълумот, кўникма ва маҳоратни таъминлаш.
5. Ўқув мазмунини танлаш ва унинг структурасини тузиш. Янги ўқув материални қайта кўриб чиқиш ва режалаштириш (қайта структуралаш) таянч тушунчаларни аниқлаш.
6. Ўқув материалдаги умумий масалалардан конкрет масалаларни ечишға ўтиш.

Таянч иборалар ёки таянч тушунчалар (асосий тушунчалар) деганда ўқув материалдаги асосий маълумотлар тушунилади. Таянч иборалар ўрганилаётган мавзунини режалаштиришда ёки қайта структуралаштиришдан (тузишда) ҳам келиб чиқади ва фойдаланилади. Ўқув материални ўзлаштириш асосан таянч ибораларни (асосий тушунчалар) ўзлаштирилишиға ҳам боғлиқ. Таянч иборалар ўқув

материалининг бошқа мавзуларида ҳам тез – тез учраши мумкин. Шунинг учун, ўқув материалыни таянч ибораларга асосланиб ўрганиш кулай.

Тарбиявий мақсадлар:

1. Диалектик материалистик дунёқарашни тарбиялаш.
 2. Назарияни амалиёт билан боғлаш.
 3. Фанга ўрганишни қизиқтириш.
 4. Тўғри фикрлаш маданиятини тарбиялаш.
 5. Ақлий, жисмоний, ахлоқий, нафосат, меҳнат, касб тарбияси, ғоявий, ватанпарварлик каби инсоний ҳислатларни тарбиялаш.
 6. Фандан мустақил билим олишни давом эттира олиш.
- Ривожлантирувчи мақсадлар (ўқувчи шахсини шакллантириш).
7. Фандаги назарий билимларни ўқувчининг ўзлаштириш даражаси. Ўқувчининг илмий – назарий фикрлашини ривожлантириш.
 8. Ўқувчиларга индивидуал ва дифференциал ёндашиш натижасидан келиб чиқувчи, инсоннинг фикрлаши, иродаси, ҳиссиёти, эҳтиёжи, қобилиятларининг ривожланиши.
 9. Фанни ўрганишда илмий методлардан фойдаланиш.
 10. Фандаги хусусий методларни қўллай олиш.

Таълимнинг мақсадларини белгилашда ўқитувчи ўқув дастурларини, ўқув дарсликларини, қўлланмаларни ва керакли адабиётларни таҳлил қилади. Ўқув материалыни қайта тузади (структуралайди). Материални мавзу мақсадларига кўра танлайди. Ўқувчининг қобилияти, таълимдаги индивидуал ёндашиш талабларини ҳисобга олади. Фанларнинг ўзлаштириш даражасига мос назарий ва амалий материални танлайди.

Педагоглар томонидан мақсадларни белгилашнинг типик усулларига қарайлик (М.В.Кларин бўйича)

1. Ўқув материалынинг режасидан келиб чиқиб, мақсадни белгилаш. Масалан «Ньютоннинг иккинчи қонунини ўрганиш ёки биринчи бобнинг мазмунини ўрганиш». Мақсадни бундай қўйиш билим соҳасининг предметли мазмунига қаратилган ва педагог ўз мақсадига эришганлиги ҳақида аниқ ҳукм чиқариши қийин. Бу усулда мақсадга эришганликни қандай аниқлаш мумкинлиги кўрсатилмаган.

2. Мақсадни педагог фаолияти орқали аниқлаш. Масалан "Ўқувчиларни ички ёнув двигателининг иши билан таништириш" ёки "деталл чизмасида шартли ифодаларни ўқиш усуллари кўрсатиш". Мақсадни бундай қўйиш-"Педагогдан" унинг ўз фаолиятига қаратилган. Бу ерда ҳам таълим жараёнининг аниқ мақсадларига эришганликни қандай билиш мумкинлиги кўрсатилмаган.

3. Ўқувчининг интеллектуал, эмоционал, шахсий ривожланиши ички жараёнлари ва қонуниятлари орқали ўқув мақсадни қўйиш. Масалан, "ҳодисани таҳлил қилиш малакасини тартиб топтириш", "математик масалаларни мустақил ечиш малакасини ривожлантириш", "физик масалаларни ечиш жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш".

Бундай мавзуларда ўқув мақсадлари ўқув юрти доирасида, ўқув предмет ёки предметлар цикли доирасида қўйилганлиги кўриниб турибди, лекин асло ўқув машғулоти ёки ҳатто, машғулотлар сериясида ҳам эмас. Бунда ўқув мақсадига эришганлик ҳақида кўрсаткичларни топиб бўлмайди.

4. Ўқув масалаларини ўқувчилар фаолияти орқали қўйиш. Масалан "машғулот мақсади квадрат тенглама илдизларини топиш бўйича масалани ечиш".

Бир қарашда ўқув мақсадини бундай ечиш машғулотни режалаштириш ва ўтказиш хусусида аниқлик киритади. Лекин, бу ерда ҳам диққат марказидан асосий нарса тушиб қолади, яъни ўқитишдан кутилаётган натижа ва унинг оқибати. Бу натижа ўқувчи ривожланишидаги маълум силжишдир.

Шу муносабат билан ўқитишнинг мақсадларини таълим мазмуни, педагогнинг ёки ўқувчининг фаолияти орқали белгилаш таълимда кутилаётган натижалар ҳақида аниқ

таассуротга эга бўлишга имкон бермайди. Бу натижалар ҳақида ўқувчилар фаолиятининг фақат ташқи намоён бўлишидан кузатиш мумкин. Лекин, бу мақсадга эришишнинг жуда содда ва шунинг билан бирга самарасиз йўлидир.

Педагогик технологияда назарда тутиландиган мақсадларни қўйиш услуби ўзининг инструменталлигига эга. Бу шундан иборатки, таълим мақсадлари ўқувчилар ҳаракатида ифодаланидиган ва аниқ кўринадиган ҳамда ўлчанадиган натижалар орқали белгиланади.

Назорат саволлари.

1. М.Кларин бўйича мақсад қўйишни ўрганинг ва мутахассислик фани бўйича мақсадлар қўйинг.

2. Дарс мақсади ва ўқитувчининг мақсад ҳақида тушунча беринг ва улар ўртасида қандай фарқ мавжуд?

3. Мақсад қўйишнинг турларини солиштиринг ва улар ўртасида боʻлиқлик ва ўхшашликни аниқланг.

4. Янги педагогик технологиялар асосида ташкил қилинган дарсларда мақсад қўйишнинг ўзига хослигини изоҳланг.

Учинчи асосий савол бўйича дарснинг мақсади.

Талабаларга идентив ўқув мақсади ҳақида тушунча бериш, идентив ўқув мақсади қўйишда фойдаланиладиган феъллар ҳақида тушунча бериш, таълим жараёнида идентив ўқув мақсад қўйишнинг аҳамиятини ёритиб бериш. Талабаларни мақсад қўйишга ва мақсад сари интилишга ўргатиш.

Идентив ўқув мақсадлари.

1. Идентив ўқув мақсади ҳақида тушунча беради.

2. Ўқув жараёнида идентив ўқув мақсади қўйишнинг аҳамиятини изоҳлайди.

3. Идентив ўқув мақсадини қўйишда феълнинг бир неча турларидан фойдаланади.

4. Идентив ўқув мақсадларини қўйишда феълларни таҳлил қилади

Учинчи асосий савол баёни.

Америка Қўшма Штатларида, Англияда ва бошқа давлатларда ўқувчи ва ўқитувчи учун мақсадларни алоҳида-алоҳида белгилаш одатга кирган. Бу мантиқан тўғри, чунки ўқитиш педагог ва ўқувчининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти ҳисобланади. Бунда мақсадлар ўқитувчининг фаолиятидан келиб чиққан ҳолда қўйилади (ўргатиш, тушунтириш, кўрсатиш, айтиб бериш ва ҳоказо) ўқувчининг характерларида ифодаланидиган натижалар эса таълимнинг вазифалари дейилади. Бундай маънода таълим вазифалари ўқувчи машʼулотнинг охирида билиши ёки бажара олиши мумкин бўлган нарсани англатади.

Вазифаларни ўлчаш, аниқлаш, ўқитишни қайта такрорлаш имконига эга бўлиш учун ҳар бир мақсадга эришиш мезонини билиш керак, яъни таълим мақсади шундай қўйилиши керакки, унга эришганлик ҳақида аниқ хулоса чиқариш мумкин бўлсин. Шунини таъкидлаш керакки, педагогик адабиётларда вазифалар баъзан таққосланадиган педагогик мақсадлар деб аталади (М.В.Кларин, 1989).

Вазифа сўзи бир неча маънони англатади ва кейинчалик аниқлик киритиш учун бу сўзни контекстга қараб "вазифа" ёки "таққосланадиган таълим мақсади" иборалари деб қараймиз.

Идентификациялашган ёки идентив ўқув мақсадлари – бу ўқувчининг ўқув мақсади бўлиб, баъзан ўқувчи билиши керак бўлган вазифа ёки масалалар ҳам дейилади. Ўқувчининг масаласи деганда таълимда ўқувчи ўқув материалига оид нимани билмайди, нимани билиши керак, қандай ўрганиши керак – деган саволларга жавоб билан боʻлиқ тушунчага айтамыз. Ўқувчининг ўқув фаолияти орқали мақсадини

белгилаш идентификациялашган ўқув мақсади дейилиб, бу ўқитувчининг мақсади билан бир маънолидир. Идентив ўқув мақсади бу ўқитувчининг ўқув мақсади билан бир маъноли ифодаланишидир. Ўқитувчининг ўргатиш мақсади (дарс мақсади бу ўқитувчининг мақсади) билан ўқувчининг ўрганиш мақсади айнан тенг маънода лекин турлича ифодаланади. Талабанинг (ўқувчининг) ўқув фаолиятидаги кузатилаётганлари, хатти-Харакатлари, ўрганаётган атамалари, таянч ибора ва тушунчалар ёрдамида ифодаланиши мақсадга мувофиқдир. Таълимда ўқитувчининг белгиланган мақсадлари (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи) ўқувчининг идентив мақсадларида феъллар орқали, ўқувчини хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи, нима қилинишини аниқ билдирадиган маънода аксланиши лозим. Материални ўрганишда ўқувчи айнан мақсад нималигини чуқур тушуниши керак. Идентив мақсадларга эришиш бу таълимда кўзланган якуний натижа билан боғлиқ. Ўқувчининг идентив мақсадлари бевосита унинг ўзлаштириш натижаси билан боғланган бўлиб, бу мақсад бевосита назарияни амалиёт билан боғлайди. Идентив ўқув мақсадлари ўқитувчининг мақсадидан келиб чиқади. Ўқув материали бир неча мантиқан бир-бирига боғлиқ кичик ўзлаштирилиши осон бўлган ўқувчига мос ҳолда бўлақларга (қисмларга) бўлинади. Бу кичик бўлақни асосий савол деб атаймиз. Мавзу режаланишига ундаги таянч ибора ва тушунчаларга асосланиб бир неча (камида иккита) асосий саволга бўлинади. Мавзудаги умумий мақсадлар (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи) энди ҳар бир асосий саволда аниқ ҳолда шу савол учун ўқитувчи томонидан таълим мақсади белгиланади. Бу ерда мақсадлар кетма-кетлиги ҳосил бўлиб, бу мақсадларни қайси бири аввал, қайси бири кейин келиши тартибланади. Мақсадларнинг тартибланиши умумий мақсаднинг якуний натижани олиши билан боғлиқ Ҳолда белгиланади.

Мақсадларни мутлақо тўлиқ таққослаш ғояси шуни назарда тутадик, бундан сўнг ўқувчи фаолиятини кузатиш, ўлчаш воситалари орқали тушунтириш имкони туғилади.

Программали ўқитишнинг асосчиси (педагогик технологиянинг пайдо бўлишида муҳим аҳамият касб этган) Б.Скиннер шуни таъкидлайдики, узга ёндашувда ўқитувчи ўқитиш мақсадларини ҳар доим қайта кўриб чиқишга мажбур бўлади ва бунда мақсадларни шунчалик ноаниқ ифодалайдики, уларга эришганликни тажрибада аниқлаш мумкин бўлмай қолади.

Таълим мазмуни одатга кўра, асосан тематик йўналишга эга ва ундай ўқитишнинг аниқ мақсадларини кўриш қийиндир. Ўқитиш вазифаларини (таққосланадиган) мақсадларни ишлаб чиқишни енгиллаштириш учун уларнинг таърифида ўзлаштирган ўқувчилар малакасини ифодаловчи феъллардан фойдаланиш мумкин, масалан:

- конкрет фактни билади;
- қоида билади;
- о'заки материални математик ифодага кўчиради;
- схема (график, диаграмма ва б.)ни тушунтиради;
- берилганлардан натижаларни келтириб чиқаради;
- янги вазиятда тушунчани ишлатади;
- қоида (конун)ни ишлатади;
- маълум қоида янги Ҳолатда қўллашни тўри намойиш қилади;
- мавхум фарзларни ажратади;
- фикрлаш мантиқида хато ва камчиликларни топади ва ҳ.к.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, феъллар умумий ва хусусий кўринишга эга бўлиши мумкин, масалан:

ўрганиш	белгилаш
аниқлаш	ажратиш
танишиш	тўплаш
тушуниш	тузиш

Вазифаларни (таққосланадиган ўқув мақсадларини) аниқлаштириш учун ўқишда ўқувчи томонидан бажара оладиган ва ўқитувчи томонидан кузатиладиган ва ўрганиладиган конкрет операция, ҳаракат ёки малакани ифодалайдиган феъллардан фойдаланиш керак. Юқоридаги ўнг каторда кўрсатилган феъллар шулар жумласидандир. Масалан, қуйида кўрсатилган мақсадлардан иккинчиси аниқроқдир:

- 1) ўқувчи қондани ўзлаштирмоқда ва ўқувчи таниш (ёки нотаниш) вазиятда қондани қўлламоқда.

Шундай қилиб, мақсадларни аниқроқ, конкретроқ қўйишнинг асосий йўли маълум натижа билан яқунланадиган харажатларни ифодалайдиган феъллардан фойдаланишдир.

Таққосланадиган таълим мақсадларини (вазифаларини) шакллантириш қуйидаги схема бўйича босқичма-босқич амалга оширилиши керак: конкрет ўқув машғулотининг умумий мақсади - ўқитишнинг хусусий мақсади - таққосланадиган ўқитиш мақсади (вазифа).

Таъкидлаш керакки, таққосланадиган ўқитиш мақсади (вазифаси) кутилаётган натижанинг охиригача абсолют таърифи ҳисобланмайди, балки унга яқинлаштирилган натижадир.

Лекин, таълим вазифаларини (таққосланадиган таълим мақсадларини) белгилашда қийинчиликлар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, ўқитиш натижаларини бўлақларга бўлиш ва алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш зарур бўлганда айрим таълим мақсадларини бўлақларга бўлиш ва тўғри таҳлил қилиш қийинлашади. Таълим мақсадларини танлашда педагог шунга эътибор бериши керакки, катъий таққосланадиган таълим мақсадларидан фойдаланганда ўқитиш репродуктив хотирага эга бўлади.

М.В.Клариннинг (1989) таъкидлашича, ижодий характерларга эга бўлган таълим мақсадларини танлаганимизда унинг хусусиятларини (ўқитишнинг конкрет натижаларини) объектив ифодалаш қийинлашади. Бунда ўқитувчининг баҳоси экспертли, кўп ҳолларда интуитив шаклда бўлади ва бу баҳо ўқитувчининг маданияти ва ижодий фикрлаш қобилиятига боғлиқ бўлади.

Назорат саволлари.

1. Ўқув жараёнида идентив ўқув мақсадини қўйиш дастлаб қайси давлатларда амалга оширилди?
2. Идентив ўқув мақсади ҳақида тушунча беринг.
3. Идентив ўқув мақсадини қўйишда қандай феъллардан фойдаланамиз?
4. Идентив ўқув мақсади қўйишнинг таълим жараёнидаги аҳамиятини ифодаланг.

Мустақил иш топшириқлари:

1. Ўқув жараёнида мақсад қўйишни ўрганади.
2. Таълим тизимида мақсад қўйишнинг аҳамиятини ёритади.
3. Анъанавий мақсад қўйишнинг турларини таққослайди.

Мавзу бўйича илмий хулосалар:

Замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш масаласи сўнги йилларда кенг қамровда амалга ошмоқда ҳамда унинг ўзига хос методикаси шаклланмоқда. Аммо узлуксиз тарбия технологиясини яратиш ва унинг таркибий қисми ақлий, ахлоқий, меҳнат, эстетик ва жисмоний тарбия технологияларининг миллий ва умуминсоний тарбия, миллий ғоя, миллий мафкура асосида шакллантириш долзарб илмий муаммо бўлиб узлуксиз таълим тизимида ўз ечимини кутмоқда. Қолаверса, узлуксиз тарбия технологиясини яратиш дунё миқёсида ҳал этилмаган, ҳозирча мақола кўринишидан нарига ўтмаган фундаментал муаммолигича қолиб келмоқда. Миллий-мустақиллик, ўтиш даврига хос муаммолар, бозор иқтисодиёти муносабатлари ва жумладан фан ва техниканинг

жадал ривож, ахборот технологиясини таълим мазмунига таъсири, тарбия мазмуни ва моҳиятига хос узлуксизликни тадқиқ этиш талабини келтириб чиқармоқда. Тарбия мазмунидаги узлуксизликни таъминлаш унинг таркибий қисмларини (ақлий, ахлоқий, меҳнат, эстетик, жисмоний, касбий тарбия ва ҳ.) изчил равишда тўлдириб, такомиллаштириб боришни тақозо этади. Аммо бугунги кунда миллий ва умуминсоний тарбияда муайян узилишлар кўзга ташланиб турмоқда. Тарбия технологияси моҳият — эътиборан шу узилишларни бартараф этиш йўл — йўриқларини илмий асослаб бериши лозим.

Асосий адабиётлар рўйхати:

1. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т., 1997, -64 б.
2. Баркамол авлод орзуси. — Т., 1998, — 248 б.
3. Йўлдошев Ж.Ғ, Усмонов С.Д. Педагогик технология асослари:
4. Қўлланма. — Т.: Ўқитувчи, 2004, — 104 б. 1. Очилов М. Янги педагогик технологиялар (ўқув қўлланмаси. Педагогика фанлари доктори, проф. М. Очиловнинг ўқиган маъруза матнлари) — Қарши.: Насаф, 2000, — 80 б.
5. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт. — Т.: Молия, 2003, — 172 б.
6. Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии. Т.: 1999, -84
7. Ғаффорова Т. ва б. Таълимнинг илғор технологиялари. — Қарши.: Насаф, 2003. — 112 б.
8. Чориев А. Педагогик технология методологияси. //Маърифат, 2003, 18 июн.

4-мавзу

Ўқув мақсадлари таксаномияси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.6. Дарс мақсади: талабаларга таксаномия ҳақида тушунча бериш, чет мамлакатларининг олимлари томонидан ишланган таксаномиялар билан таништириш, таксаномияларнинг ўқув жараёнидаги аҳамиятини ёритиш. Талабаларнинг дунёқарашини шакллантириш ва бўлажак касбига бўлган муҳаббатини ошириш. 1.7. Идентив ўқув мақсадлари. 1. Таксаномия ҳақида тушунча беради. 2. Таксаномияларнинг ўқув жараёнидаги аҳамиятини изоҳлайди. 3. Чет мамлакатларидаги олимларнинг ишлаб чиққан таксаномиялари билан танишади. 4. Таксаномиялардан дарс жараёнида фойдаланишга ўрганади. 1.8. Асосий тушунча ва иборалар: таксаномия, билиш, тушунтириш, анализ, синтез, фойдаланиш, таққосланадиган таълим мақсади, Р.Тайлер таксаномияси, Ж.Гилфорд таксаномияси, Л.Вандевельд таксаномияси, Б.Блум таксаномияси ва ушбу таксаномия бўйича феъллар тизими ва ҳ.к. 1.9. Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда.	Ўқитувчи

	1.10.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. 1.11.Керакли жиҳоз ва воситалар: Маъруза матни, ўқув қўлланма, компьютер технологиялари, слайдлар проектор, қоғоз, маркер, китоб, доска, бўр	
2	Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи, 15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга муаммоли савол беради (32 бет) . 3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4. Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумоти талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: 1. К.Д.Ушинский каби педагогларнинг фикрлари ҳали ҳам долзарб деб ҳисобланади? 2. Б.Блум таксаномиясидаги ўқув мақсадлар категорияларига мос келадиган феъллар мавжуд. 3. Бу феълларнинг моҳияти нималардан иборат? 4. Америкалик олим Ж.Гилфорднинг таксаномиясини таҳлил қилинг ва ютуқ, камчиликларини изоҳланг. 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 15 минут
5	Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади (37-бет). 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи, 10 минут

Асосий саволлари

- 1.Таксаномия тушунчасининг моҳияти
- 2.Блум таксаномияси ҳақида тушунча ва унинг тартиби. Б.Блум таксаномияси бўйича ўқув мақсадлари категориясига мос келадиган феъллар

II. Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Таксаномия, билиш, тушунтириш, анализ, синтез, фойдаланиш, таққосладиган таълим мақсади, Р.Тайлер таксаномияси, Ж.Гилфорд таксаномияси,Л.Вандевельд таксаномияси, Б.Блум таксаномияси ва ушбу таксаномия бўйича феъллар тизими ва ҳ.к.

III. Мавзуга оид муаммолар:

Ҳозирги кунда таълим тизимида янги педагогик технологиялар жорий этилмоқда. Таълим-тарбия ишлари инновацион ёндашувларга асосланган ҳолда олиб борилмоқда. Сизнингча, нима учун Я.А.Коменский, И.Г.Пестолоцци, А.Дистервег, И.Ф.Гербарт, К.Д.Ушинский каби педагогларнинг фикрлари ҳали ҳам долзарб деб ҳисобланади? Б.Блум таксаномиясидаги ўқув мақсадлар категорияларига мос келадиган феъллар мавжуд. Бу феълларнинг моҳияти нималардан иборат? Америкалик олим Ж.Гилфорднинг таксаномиясини таҳлил қилинг ва ютуқ, камчиликларини изоҳланг.

Биринчи асосий савол бўйича дарснинг мақсади.

Талабаларга таксаномия ҳақида тушунча бериш, чет мамлакатларининг олимлари томонидан ишланган таксаномиялар билан таништириш, таксаномияларнинг ўқув жараёнидаги аҳамиятини ёритиш. Талабаларнинг дунёқарабини шакллантириш ва бўлажак касбига бўлган муҳаббатини ошириш.

Идентив ўқув мақсадлари.

1. Таксаномия ҳақида тушунча беради.
2. Таксаномияларнинг ўқув жараёнидаги аҳамиятини изоҳлайди.
3. Чет мамлакатларидаги олимларнинг ишлаб чиққан таксаномиялари билан танишади.
4. Таксаномиялардан дарс жараёнида фойдаланишга ўрганади.

Биринчи асосий саволнинг баёни.

Мақсадлар таксаномияси, яъни мақсадларни танлашда «осонликдан қийинликка» ёки «содаликдан мураккабликка» принципи қўлланилади. «Таксаномия» тушунчаси объектларнинг табиий боғлиқлари ва хусусиятларига қараб иерархик (кўп босқичли) тузилиши асосида классификациялаш ва систематизациялаш (тизимлаш)ни англатади. Шунинг учун умумий мақсадларни бир-бири билан бўланишда танлаш ва ўқитишнинг конкрет натижаларини ифодалашда таксаномиялардан фойдаланилади. Мақсадларни танлашда Б.Блум таксаномияларидан фойдаланилади. Блум таксаномиялари энг аввал ишлаб чиқилган таксаномиялардан бўлиб бунда камчиликлар мавжуд. Блумдан бошқа жуда кўп олимлар томонидан таксаномиялар ишлаб чиқилган, бироқ амалда Блум таксаномиялари уларга қараганда маъқулроқ. Блум таксаномиялари фақат таълим учун ишлаб чиқилган. Тарбия таксаномиялари ҳам бор. Жумладан, Д.Кратвол таксаномиялари қўлланилади. Лекин, бу таксаномияларни фойдаланиш кўтилган натижа бермаяпти.

Дастлабки, таксаномия 1934 йилда америкалик олим Р.Тайлер томонидан ишлаб чиқилди. Бу таксаномияда 8 та категория мавжуд эди. 1967 йилда америкалик олим Ж.Гилфорд томонидан таксаномия ишланди. Бу таксаномиянинг Б.Блум таксаномиясидан фарқи, бу таксаномияда 5 та даража кўрсатилган. Яъни, маълумот, анализ ва синтез, тушуниш, фойдаланиш ва баҳолаш. Бундай типдаги таксаномиялар Европа ва Ғарб давлатларининг олимлари томонидан яратилган. Масалан Б.Блум(1956) билиш, тушуниш, фойдаланиш, анализ, синтез, баҳолаш, Гилфорд (1967) маълумот, анализ, синтез, тушуниш, фойдаланиш, баҳолаш; Мак Гюр (1969) билиш, умумлаштириш, ечиш (оддий муаммони), ечиш (мураккаб муаммони), баҳолаш, синтез; Гронланд (1970) билиш, тушуниш, фойдаланиш, идрок қилиш; Вандевельд (1975) билиш, тушуниш, фойдаланиш, анализ, яратиш, баҳолаш каби даражалар кўрсатилган.

Назорат саволлари.

1. "Таксаномия" тушунчасининг моҳиятини изоҳланг.
2. Дастлабки таксаномия қачон ва ким томонидан яратилган?
3. Америкалик олим Гилфорд ва Б.Блум таксаномиясининг фарқини изоҳланг.
4. Ўқув мақсадлари таксаномияларининг таълим жараёнидаги аҳамиятини ёритинг.

Иккинчи асосий савол бўйича дарснинг мақсади.

Талабаларга Б.Блум таксаномияси ҳақида тушунча бериш, Б.Блум таксаномиясининг аҳамиятини ёритиш, таксаномиянинг тартибини ўргатиш, ўқув мақсадлари категориясига мос келадиган феъллар билан таништириш, Б.Блум таксаномияси категорияларини амалда қўллашга ўргатиш, талабаларни дунёқарабини кенгайтириш..

Идентив ўқув мақсадлари.

1. Б.Блум таксаномиясини ўрганади.
2. Б.Блум таксаномиясининг аҳамиятини мисоллар билан изоҳлайди.
3. Ўқув мақсадлари категорияларига мос келадиган феълларни аниқлайди.

4.Б.Блум таксаномиясини амалда қўллайди

Иккинчи асосий савол баёни.

Б.Блум бўйича таълим мақсадлари таксаномияси дунёда энг кўп тарқалгандир. Бу тест топшириқларини ишлаб чиқувчи шахсга ўқув материали элементини таълим мақсадларининг маълум категорияси билан таққослаш имконини беради. Бундай ҳолларда Б.Блум технологиясига асосан умумий мақсадлардан фойдаланиш мумкин. "Таксаномия" тушунчаси объектларни ўзларининг табиий боғлиқлиги ва хосиятларига кура иерархик (кўпбосқичли) тузилиши асосида классификациялаш ва систематизациялашни англатади.

Педагогик технологияларда ўқув мақсадларини қўйилиши катта аҳамиятга эга. Бундай ҳолат анъанавий ўқитиш методикасида юзаки характерда эди. Педагогик технологияларнинг анъанавий методикадан яна бир фарқи ўқувчи ва талабаларни мустақил билим олишига жиддий эътибор берилади. Энди педагогик технологияларда мақсадлар ва назорат топшириқларни белгилашда асосий роль бажарувчи Блум таксаномиялари ҳақида кенгроқ тўхталамиз. Блум таксаномиялари қуйидаги категорияларга эга: билиш, тушуниш, фойдаланиш, анализ, синтез ва баҳолаш. Бу категорияларнинг ҳар бирига қисқача тўхтаймиз.

1. Билиш - бу категория ўқув материални эслаб қолиш ва эсга туширишни англатади. Гап ҳар хил шаклдаги мазмун ҳақида бориши мумкин, конкрет фактлардан яхлит назариягача. Бу категориянинг умумий хусусиятига тааллуқли маълумотларни эслаш.

2. Тушуниш – ўрганган нарсанинг аҳамиятини тушуна олиш қобилиятининг кўрсаткичи бўлиб, ўқув материални бир шаклдан бошқа шаклга ўтказиш, кўчиришга хизмат қилиши мумкин (масалан оғзаки шаклдаги ўқув материални ёзма математик шаклга кўчириш). Тушуниш кўрсаткичи бўлиб, ўқувчилар томонидан материални тушунтириш, қисқа изоҳлаш ёки ҳодисаларни кейинчалик бўлиб ўтиши ҳақида фараз қилиш хизмат қилади. Ўқитишнинг бундай натижалари материалнинг оддий эслаб қолишдан устун туради.

3. Умумий тушунчалар, қоидалар услублардан фойдаланиш. Бу ерда тушунчалар, қоидалар, услублар, тамоиллар, назарияларидан фойдаланиш киради. Ўқитиш натижалари тушунишга нисбатан материални чуқурроқ билишни талаб қилади.

4. Таҳлил (анализ) – бутун нарсани бўлақларга, элементларга бўлиш, бўлақлар грациясини (бўлақлар орасидаги изчиллик), боғланишларини, ўрнатиш. Ўқитиш натижалари бунда юқори даражада интеллектуал характерга эга бўлади, чунки материалнинг ички мазмунини ва тузилишини аниқлашни талаб қилади.

5. Синтез - янги структурага (тузилиш) эришиш мақсадида элементлар (бўлақлардан) бутун нарсани тузиш. Бунда ўқитиш натижалари ижодий фаолиятни талаб қилади.

6. Баҳолаш. Танланган мақсадлар асосида материаллар ва услубларни баҳолаш. Бу категория юқорида қайд этилган барча категориялар бўйича ўқитиш натижаларига эришишни ва шунингдек, баҳоловчи ҳукм чиқаришни назарда тутди.

Назорат саволлари.

- 1.Америкалик олим Б.Блумнинг таксаномияси қачон яратилди?
- 2.Б.Блум таксаномиясининг тартибини аниқланг ва бошқа олимларнинг таксаномиясидан фарқини ажратинг.
- 3."Анализ" ва "синтез" категорияларини таққосланг ва фарқини изоҳланг.
- 4.Ўқув мақсадлари таксаномиясига мос феъллардан фойдаланиб, мақсад қўйишни ўрганиб келинг.

Мустақил иш топшириқлари:

1. Педагоглар томонидан ишлаб чиқилган таксаномияларни ўрганинг ва таҳлил қилинг.
2. Мутахассислик фанингиздан Б.Блум таксаномиясига мос келадиган феълларни тузинг ва изоҳлаб беринг.

Мавзу бўйича илмий хулосалар:

Замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш масаласи сўнги йилларда кенг қамровда амалга ошмоқда ҳамда унинг ўзига хос методикаси шаклланимоқда. Аммо узлуксиз тарбия технологиясини яратиш ва унинг таркибий қисми ақлий, ахлоқий, меҳнат, эстетик ва жисмоний тарбия технологияларининг миллий ва умуминсоний тарбия, миллий ғоя, миллий мафкура асосида шакллантириш долзарб илмий муаммо бўлиб узлуксиз таълим тизимида ўз ечимини кутмоқда. Қолаверса, узлуксиз тарбия технологиясини яратиш дунё миқёсида ҳал этилмаган, ҳозирча мақола кўринишидан нарига ўтмаган фундаментал муаммолигича қолиб келмоқда.

Миллий-Мустақиллик, ўтиш даврига хос муаммолар, бозор иқтисодиёти муносабатлари ва жумладан фан ва техниканинг жадал ривож, ахборот технологиясини таълим мазмунига таъсири, тарбия мазмуни ва моҳиятига хос узлуксизликни тадқиқ этиш талабини келтириб чиқармоқда. Тарбия мазмунидаги узлуксизликни таъминлаш унинг таркибий қисмларини (ақлий, ахлоқий, меҳнат, эстетик, жисмоний, касбий тарбия ва ҳ.к) изчил равишда тўлдириб, такомиллаштириб боришни тақозо этади. Аммо бугунги кунда миллий ва умуминсоний тарбияда муайян узилишлар кўзга ташланиб турмоқда. Тарбия технологияси моҳият — эътиборан шу узилишларни бартараф этиш йўл — йўриқларини илмий асослаб бериши лозим.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар.

Талабани олий ўқув юртида ўқиш, ҳар хил тадбирларда қатнашиши ёки адабиётларни мустақил мутолаа қилиши уни маънавиятли бўлди дегани эмас. Агар буни бўлажак ўқитувчи мисолида олиб қарайдиган бўлсак аввало:

- талабанинг болажон бўлиши, болаларни севиши, ҳурмат қилиши;
- ўз касбини севиши;
- ўз соҳасининг билимдони бўлиши;
- маънавий — ахлоқий етук бўлиши;
- касб бурчи ва масъулиятини ҳис этиши;
- бола шахси билан тўғри мулоқот ўрната олиши;
- камтарин ва маданиятли бўлиши;
- изланувчан ва ижодкор бўлиш каби қатор мотивлар касб тарбиясини эгаллашга қаратилган бўлади.

Асосий адабиётлар рўйхати:


- 1.И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.,99.
- 2.Кредберг.П.У. Проблемы конкретизации целый обучение воспитания.
- 3.Саидахмедов.Н. Таълимни ҳаракатланувчи куч." Маърифат "16 январ 99й.
- 4.Н.Сайидахмедов «Педагогик маҳорат ва педагогик технология» Т.,2003 йил
- 5.Гармонично развитое поколение - основа прогресса Узбекистана. Ташкент, 1997, 62-с.
- 6.Беспалько Б.П. Слагаемое педагогической технологии. М.: Педагогика, 1989, 190-с.

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.12. Дарс мақсади: турли ўзлаштириш даражаларига мўлжалланган тест топшириқларини тузишни кўрсатиб бериш, тест топшириқларининг моҳиятини ёритиб бериш. 1.13. Идентив ўқув мақсадлари. 1.Ўзлаштиришнинг турли даражаларига мўлжалланган тест топшириқларини тузишни ўрганади. 2.Ҳар бир ўзлаштириш даражасига мўлжалланган тест топшириқларининг хусусиятларини фарқлайди. 3.Тест топшириқларининг моҳиятини тушунтириб беради. Асосий тушунча ва иборалар: тест, ўзлаштириш даражалари, репродуктив, продуктив, ижодий изланувчан, очиқ тест, ёпиқ тест ва Ҳ.к. Дарс шакли: Ҳамкорликдаги, ахборот, визуал-маъруза, гуруҳ ва микрогуруҳларда. 1.14. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-хикоя, баҳс, видеоусул. 1.15. Керакли жиҳоз ва воситалар: Маъруза матни, ўқув қўлланма, компьютер технологиялари, слайдлар проектор, қоғоз, маркер, китоб, доска, бўр	Ўқитувчи
2	Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи, 15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга муаммоли савол беради (40 – бет). 3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4. Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	Мустақамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: 1. Тест топшириқларининг шакллари ва хусусиятлари 2. Тест топшириқларнинг бошқа шакллари ўрганинг ва уларни солиштиринг. 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 15 минут
5	Ўқув машғулотини якунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади (47- бет). 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи, 10 минут

Асосий саволлар.

1. Турли хил ўзлаштириш даражасига мўлжалланган тест топшириқлари.
2. Тест топшириқларининг шакллари ва хусусиятлари.

Турли хил ўзлаштириш даражасига мўлжалланган тест топшириклари



II. мавзу бўйича тушунча ва иборалар:

Тест, ўзлаштириш даражалари, репродуктив, продуктив, ижодий изланувчан, очик тест, ёпиқ тест ва ҳ.к.

III. Мавзуга оид муаммолар:

Тест топшириқларининг бошқа назорат топшириқларидан фарқли жиҳатларини кўрсатинг. Ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилинг.

Биринчи асосий савол бўйича дарснинг мақсади.

Турли ўзлаштириш даражаларига мўлжалланган тест топшириқларини тузишни кўрсатиб бериш, тест топшириқларининг моҳиятини ёритиб бериш.

Идентив ўқув мақсадлари.

- 1.Ўзлаштиришнинг турли даражаларига мўлжалланган тест топшириқларини тузишни ўрганади.
- 2.Ҳар бир ўзлаштириш даражасига мўлжалланган тест топшириқларининг хусусиятларини фарқлайди.
- 3.Тест топшириқларининг моҳиятини тушунтириб беради

Биринчи асосий саволнинг баёни.

Турли хил ўзлаштириш даражасига мўлжалланган тест топшириқлари.

Тест топшириқларининг бажарилиш даражаси ўқувчиларнинг ўқув материалларини рухий жиҳатдан қай йўсинда эканлигини аниқлашга ёрдам беради:

- ахборотни билиш, ёд олиш ва сўзлаб бериш;
- репродуктив фикрлаш;
- продуктив фикрлаш;

- изланувчи-ижодий фикрлаш.

Эслаб қолиш, билиб олиш ва ахборотни таҳлил қилиш: Бу ўринда эслаб қолиш қобилияти билан боғлиқ бўлган билимлар текширилади.

Репродуктив даражасидаги тест топшириқлари педагогик йўналишдаги тестларда кенг қўлланилади. Улар ёрдамида ўрганилган принциплар, қоидалар қўлланиши моҳияти ўрганилади.

Продуктив даражасидаги тест: Бу ўқувчининг олган билимининг ностандарт масалаларини ечишда мустақил фикр юритишни талаб қилади.

Изланувчи-ижодий даража маълумки, ижод - бу моддий ва маънавий сферада янгилик барпо этиш, ҳозирча жавоби йўқ масалани ечиш.

Назорат саволлари.

1. Ўқув жараёнининг сифати тест назоратининг сифати билан боғлиқми? Агар боғлиқ бўлса, жавобингизни изоҳланг.
2. Агар тест топшириғида қалит сўз тушуриб қолдирилган бўлса бундай тест топшириғи нима дейилади?
3. Бу хил топшириқлар шартлар ва саволлардан иборат бўлиб, унда битта жавоб тўғри, қолганлари нотўғри, лекин ҳақиқатга яқин саналади. Бу тест қандай номланади?
4. Бир кўпликнинг элементларининг иккинчи кўplik элементларига ўхшашлигини исботлашдан иборат тест қандай тест деб аталади?
5. Тест топшириқларининг неча хил шакллари мавжуд?

Иккинчи асосий савол бўйича дарснинг мақсади.

Тест топшириқлари ва уларнинг турли хил шакллари ҳақида тушунча бериш, тест топшириқларидан дарс жараёнида фойдаланишнинг аҳамиятини ёритиб бериш, тест шаклларига мос келадиган тест топшириқларини тузишга ўргатиш.

Идентив ўқув мақсадлари.

1. Тест топшириқларини турли хил шакллари ўрганиб, тест топшириғини турли хил шаклга мос келувчи тестларни тузади.
2. Тест топшириқларининг турли хил шакллари такқослайди.
3. Тест топшириқларининг турли хил шакллари такқослайди, солиштириб ўзаро таҳлил қилади.
4. Ўзлаштириш даражаларига мос келувчи тест топшириқларини моҳиятини ёритади.

Иккинчи асосий савол баёни.

Тест топшириқларининг таркиби келтирилган 4 хил формаларидан бирини танлаши мумкин: ёпиқ, очик, ўхшашликни шакллантириш ва кетма-кетликни тартибга солиш. Тест топшириқларининг бошқа турлари ҳам мавжуд (занжирсимон, текстсимон ва ҳ.к.)

Ёпиқ тест. Бу хил топшириқлар шартлар ва саволлардан иборат бўлиб, унда битта жавоб тўғри, қолганлари нотўғри, лекин ҳақиқатга яқин.

Бу топшириқ "ёпиқ" деб аталишининг сабаби шундан иборатки, ўқувчи ўз жавобини бера олмайди, у бир қанча берилган тайёр жавоблардан унингча тўғри бўлган жавобни танлайди.

Ёпиқ тест топшириқларида бир неча тўғри жавоблар бўлиши мумкин. Бир хил тест топшириқларида шартларни савол тарикасида бериш мумкин. Тест ишлаб чикувчи бир қанча берилиши мумкин бўлган саволлар ичидан айнан кераклиси берилганлигига ишонч ҳосил қилиш зарур. Кейин у шартларни ва жавобларни шундай тузиш керакки, токи унга берилган жавоб юзаки эмас, ақл ишлатиб топилиши лозим.

Яхши тўзилган тест топшириги ўқувчидан уйлаб, бутун олган билимларини ишга солган Ҳолда жавоб беришига ундаши лозим. Тест топшириклари ўзлаштирувчи учун мураккаб бўлмай, балки ўз билимини намоён этишга имконият бериши шарт.

Ёпиқ тест топшириклари абитуриентларни олий ўқув юртларига киришларида, якуний ва бошқа назорат турларида ишлатилади. Улар компьютерлар билан "тил топишадилар" ва компьютерларга киритиладиган ўргатувчи ва назорат қилувчи тест системаларида қўлланилади.

Очиқ тест топшириклари. Бу тест турига ҳоҳлаган жавобни бериш мумкин. Топшириқда қалит туширилиб қолдирилади.

Очиқ тест топшириклари программалаштирилган ўқувда қўлланилади. Ҳоҳлаган жавоб берилиши мумкинлиги туфайли очиқ тест топшириклари компьютер тест назорати учун ноқулайдир. Очиқ топшириқлар фасет шаклга эга бўлиши мумкин. Мисоллар:

Агар тест топшириқда қалит вазифасини бажарувчи сўз (ёки бир неча сўз) тушириб қолдирилган бўлса, унда бу _____ топшириқ деб аталади.

Тўғри жавоб: очиқ

Ўхшашликни шакллантириш. Бу топшириқларнинг маъноси бир қўпликнинг элементларининг иккинчи қўплик элементларига ўхшашлигини исботлашдан иборат.

Тартибга солиш учун мўлжалланган тест топшириклари. Бу услуб берилган ҳаракат, ҳисоб-китоб, фикрларни тўғри тушунишини текшириш учун қўлланилади.

Назорат саволлари.

1. Турли хил ўзлаштириш даражасига мўлжалланган тест топшириклари.
 2. Тест топшириқларининг шакллари ва хусусиятлари
 3. Тест топшириқларнинг бошқа шакллари ўрганиш ва уларни солиштириш.
- Ушбу тест топшириқлари ўртасидаги боғлиқлик, фарқ ва ўхшашликни аниқланг.

Мустақил иш топшириқлари:

1. Тест топшириқларининг моҳиятини ёритиб бериш.
2. Тест топшириқларини афзаллик томонлари.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Таълим жараёнининг барча компонентлари; таълим қонун-қоидалари, мазмуни, методлари, воситалар ва шакллари ўқувчи ва ўқитувчи ақлий салоҳиятини кучайтиришга йўналтирилган аниқ мақсадлар қўйилиши ҳамда уларнинг тўла бажарилишига қўлдош олиб борадиган, ўта мукамал ишлаб чиқилган технологик тизимдир.

Асосий адабиётлар рўйхати:

1. Саидахмедов.Н. Таълимни ҳаракатланувчи қуч." Маърифат "16 январ 99й.
2. Н.Сайидахмедов «Педагогик маҳорат ва педагогик технология» Т.,2003 йил
3. Гармонично развитое поколение - основа прогресса Узбекистана. Ташкент, 1997, 62-с

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1.1. Дарс мақсади: Талабаларнинг ўқув мақсадига эришишда назорат топшириқларининг аҳамиятини тушунтириб бериш, талабаларнинг ўқув вазифасини аниқ белгилаш кўникмасини шакллантириш. 1.2.2. Идентив ўқув мақсадлари. 1. Назорат топшириқларининг моҳиятини ўрганиб чиқади. 2. Ўқув мақсадига эришишда назорат топшириқларининг моҳиятини англаб етади. 3. Ўқув мақсадига эришишда назорат топшириқларининг аҳамиятини тушунади. 4. Назорат топшириқлари орқали ўқув мақсадига эришиш йўллари аниқлайди. Асосий тушунча ва иборалар: назорат, мақсад, вазифа, идентив ўқув мақсади, назорат топшириқлари, тест топшириқлари. Дарс шакли: Кўргазмали, муаммоли маъруза, гуруҳ ва микрогуруҳларда. 1.16. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. 1.17. Керакли жиҳоз ва воситалар: Ўқув қўлланма, компьютер технологиялари, слайдлар, қоғоз варақлари, маркерлар, скотч.	Ўқитувчи
2	Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи, 15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга муаммоли савол беради. 3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4. Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	Мустақамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: 1. Назорат топшириқларининг моҳиятини ўрганиб чиқади. 2. Ўқув мақсадига эришишда назорат топшириқларининг моҳиятини англаб етади. 3. Ўқув мақсадига эришишда назорат топшириқларининг аҳамиятини тушунади. 4. Назорат топшириқлари орқали ўқув мақсадига эришиш йўллари аниқлайди. 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 15 минут
5	Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи, 10 минут

Асосий саволлар

1. Назорат топшириқларининг моҳияти.

2. Мақсад ва вазифаларга асосланган топшириқлар.
3. Идентив ўқув мақсадини тест топшириқига айлантириш

Таянч сўз ва иборалар: назорат, мақсад, вазифа, идентив ўқув мақсади, назорат топшириқлари, тест топшириқлари.

Мавзуга оид муаммолар:

Нима учун мавзу бўйича идентив ўқув мақсадлари белгиланиши керак?
Нега ўқитиш мақсадларида қўйилган муаммоларни ҳал қилувчи ўқув жараёнига эмас, бирданига назорат топшириқларига ўтилади?
Нима учун ўқув мақсадларини назорат топшириқларига айлантириш керак?

Биринчи савол бўйича дарснинг мақсади.

Талабаларнинг ўқув мақсадига эришишда назорат топшириқларининг аҳамиятини тушунтириб бериш, талабаларнинг ўқув вазифасини аниқ белгилаш кўникмасини шакллантириш.

Идентив ўқув мақсадлари.

1. Назорат топшириқларининг моҳиятини ўрганиб чиқади.
2. Ўқув мақсадига эришишда назорат топшириқларининг моҳиятини англаб етади.
3. Ўқув мақсадига эришишда назорат топшириқларининг аҳамиятини тушунади.
4. Назорат топшириқлари орқали ўқув мақсадига эришиш йўллари аниқлайди.

Биринчи саволнинг баёни.

Педагогик технологияга асосланган ўқув жараёнини ташкил этишда назорат топшириқларини тузиш мақсад (ўқув мақсади) билан узвий боғлиқ ҳолда ўтказилиши лозим. Бундай пайтда ўқув режа ва дарс конспектлари (назорат топшириқлардан сўнг ўтказилган дарслар ҳам) самаралироқ бўлган ҳолда ўқитишнинг мақсад ва вазифалари билан боғлиқ бўлади.

Республиканинг айрим ўқув юртларида якуний тестга киритилиши керак бўлган тест топшириқларининг сони аниқланган.

Агар тест саволларининг сонини тузувчининг ўзи аниқлаши лозим бўлса, унда қуйидагича бўлиши мумкин:

- жорий назорат - 10-15 топшириқ (ўтказиш вақти 10-15 дақиқа).
- оралиқ назорат - 25-30 топшириқ. 30-40 дақиқа.
- якуний назорат - 50 ва ундан ортиқ 1 соатдан 1,5 соатгача.

Тест топшириқларини ишлаб чиқишдан олдин тестнинг спецификацияси тўзилади. Одатда, у жадвал тарикасида ишланиб, каторлари эса ўқув материалларининг бўлинмаларини акс эттиради. Бўлинмалар Б.Блум таксаномиясига асосланган ўқув мақсадларининг категорияларини билдиради.

Агар ўқув мақсадларининг каталоги ва тест спецификацияси мавжуд бўлса, тест топшириқлари ишланмалари янада аниқлашади.

Ҳар бир хусусий мақсад тест топшириқларига ўтказилади. Ўқувчи ҳақиқатдан ҳам ушбу топшириқни бажариши ва бу Б.Блум таксаномиясида кўрсатилган категорияга тўғри келиши лозим.

Назорат саволлари.

1. Жорий назорат учун тест саволарнинг миқдори қанча бўлиши керак?
2. Оралиқ назорат учун тест саволларнинг миқдори қанча бўлиши керак?
3. Якуний назорат учун тест саволарнинг миқдори қанча бўлиши керак?

Иккинчи савол бўйича дарснинг мақсади.

Мақсад ва вазифаларнинг аҳамиятини тушунтириш. Талабаларда назорат топшириқлари мақсад ва вазифаларга асосланган ҳолда ишлаб чиқиш кўникмасини ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари .

1. Мақсадларга асосланган топшириқлар ишлаб чиқишнинг йўлларини ўрганади.
2. Мақсад ва вазифаларни белгилашнинг аҳамиятини тушунади.
3. Вазифаларни белгилашнинг муҳим жиҳатларини англаб етади.
4. Вазифаларга асосланган топшириқлар ишлаб чиқишнинг моҳиятини очиб беради.

Иккинчи саволнинг баёни.

Мақсад ва вазифаларга асосланган топшириқлар-ўқувчининг билимини баҳолаш доимо "Нимани баҳоламоқ керак?" деган савол билан бўлиқ. Бунга жавоб: " Ўқитиш ва ўргатиш" сифат даражаларининг мақсад даражаларининг мақсад ва вазифаларга эришилганлиги. Бунда мақсад деб ўқитувчининг фаолияти назарда тутилганлиги фойдалироқ (ўргатиш, тушунтириш, кўрсатиш, гапириб бериш ва ҳ.к.). Вазифаларга эса (инглиз адабиётига асосланиб) ўргатиш натижалари киритилади. Демак, вазифалар деб студентлар дарс бошланганда билмай, сўнггида ўрганган, агар шу дарсда ўргатилмаганда кейинчалик бу нарсани қила олмаган бўлса тушуниш керак.

Вазифаларни янада аниқлаш мақсадида қуйидаги кадамларни қўлланг:

- ҳар бир вазифалар гуруҳини "Дарс якунида талабалар қуйидагиларни бажара олишлари лозим..."- деб бошланг;
- ҳар бир вазифани номерланг;
- ҳар бир вазифани қуйидаги феъллардан бошланг: санаб ўтинг, эсланг, сўзлаб беринг, кўрсатиб беринг, танланг, ҳисобланг ва хоказо;
- ҳар бир вазифаларни талаба терминида қўйинг (ўқитувчи терминида эмас);
- ҳар бир вазифа фақат битта натижани кўзласин, иккита учтани эмас;
- ҳар бир вазифани шундай қўйингки, токи у ўқитувчининг ўтадиган дарсининг босқичларини эмас, балки "талабанинг ўзини кейинчалик қандай тутиши кераклигига ишора қилсин"; вазифаларни шундай ёзингки, унинг ишлатилишини мезонлаш ва қандай қилиб мақсадга эришилганлигини аниқлаш мумкин бўлсин;

Назорат саволлари.

1. Таълим жараёнида мақсад деб кимнинг фаолияти назарда тугилади?
2. Студентлар дарс бошланганда билмай, сўнггида ўрганган, агар шу дарсда ўргатилмаганда кейинчалик бу нарсани қила олмаган ишлар нима дейилади?
3. Вазифаларни аниқлашда нималарга эътибор қаратиш муҳимлигини тушунтиринг.
4. Мақсад ва вазифалар ҳақида тушунча беринг ва уларнинг фарқини айтинг.

Учинчи савол бўйича дарснинг мақсади.

Тест топшириқларини идентив ўқув мақсадларига асосланган ҳолда ишлаб чиқиш йўлларини кўрсатиб бериш, кўникмасини ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари.

1. Идентив ўқув мақсадларини тест топшириқларига айлантиришнинг аҳамиятини тушунади.
2. Идентив ўқув мақсадларини тест топшириқларига айлантиришнинг йўлларини ўрганади.
3. Идентив ўқув мақсадларини тест топшириқларига айлантиришда феълларнинг аҳамиятини англаб етади.
4. Идентив ўқув мақсадларини тест топшириқларига айлантиришда феълларнинг моҳиятини асослайди.

Учинчи саволнинг баёни.

Аввал айтганимиздек, ўқув мақсадларини рўёбга чиқаришда феъл танлаш ҳам катта роль ўйнайди. Масалан, о\заки ва ёзма нутқ жараёнидаги вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги феъллардан фойдаланиш мумкин: сўз билан ифодалаб бермоқ, ёзиб олмақ, натижасини чиқармоқ, таъкидламоқ, айтмоқ, ўқимоқ, бўғинларга бўлмақ, хикоя қилмоқ ва хоказо.

"Билмоқ" феълнинг маъносини кенгроқ кўриб чиқайлик: тасаввур қилинг, сиз ўқувчингизнинг Шахрисабз шаҳри қаерда жойлашганлигини билишини текширмоқчисиз. Бу билимни аниқлаш ҳар хил йўллар билан ўтказилиши мумкин. Шахрисабз шаҳри қашқадарё вилоятида жойлашганлигини эслаш, жуғрофия харитасидаги Шахрисабз нуқтасини кўрсатиш, унинг кенглиги ва узунлигини айтиш, Тошкентдан неча километр узоқда жойлашганлиги ва хоказо.

Мисолдан шуниси маълум бўлдики, ушбу саволга ҳар томонлама ёндашиш мумкин. Шу сабабли бир хил феъллар умумий маънони, айримлари эса конкрет маънога эга эканлигини таъкидлаш лозим. Агарда кутилган ўқув натижалари вазифалар тарикасида берилган бўлса, у ҳолатда кейинчалик назорат топшириқларга ўтказилиши лозим. Бу топшириқлар оғзаки, ёзма ёки тест ҳолатида бўлиши мумкин.

Назорат саволлари.

1. Идентификацияланган ўқув мақсади деб нимага айтилади?
2. Ўз ичига тўлиқ ва ишончли сифатларни қамраб олган ўқув мақсади деб қандай ўқув мақсадига айтилади?
3. Б.Блум таксаномияси категориялари ва уларнинг таркибини аниқланг.
4. Таълим тизимида Б.Блум таксаномиясининг тутган ўрнини аниқланг.
5. Б.Блум таксаномиясига мос келувчи феълларнинг ўзига хослигини айтинг.

Мустақил иш топшириқлари:

- 1.«Билим» тушунчасининг моҳиятини ўрганинг ва ўқувчиларни билим олишини самарасини ошириш йўллари аниқлаш
- 2.Янги педагогик технологиялар асосида олиб борилган. 1 соатлик дарсни кузатинг ва таҳлил қилинг

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Олиб борилган назарий тадқиқотлар таҳлили асосида қуйидаги хулосаларни қисқача келтириш мумкин:

Олий таълим тизимидаги ислохатлардан кўзда тутилган мақсадлардан асосийси янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда, аниқроғи, бозор муносабатлари муҳитида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг кафолатли пойдеворини яратишдир. ОЎЮ ўқитувчиларининг касбий-педагогик маҳоратини оширишга ҳар қачонгидан онгли муносабатда бўлиш фақат субъектив ҳолат ва объектив зарурат эмас, балки рақобатбардошлик шарти сифатида эътироф этилди.

Мавзу бўйича ечимини қутаётган илмий муаммолар.

“Педагогик технологиялар”нинг мақсади: лицейлар ва коллежларнинг бўлажак ўқитувчиларнинг замонавий педагогик технологиялар назарий асослари билимлари билан қуроллантириш: янги педагогик даражада педагогик жараёнлари самарали ташкил этишлари учун зарур маънотларга эга бўлишлари; замонавий иновацион технологиялар, ғоялар, мактаблар, йўналишлар, кенг турларида йўл топа билиш маҳорати. педагогик фаолиятни ижодий ва методик тўғри бажаришга тайерликни шакллантириш; мустақил ишлаш, мустақил билим олиш, ўзини тарбиялаш ва ўзининг мутахассислик даражасини доимий ошириб боришга интилишни фаоллаштириш.

Асосий адабиётлар.

7-мавзу

ЎҚУВ МАҚСАДИГА ЭРИШИШ ЙЎЛЛАРИ

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: Дарс мақсади: билим олишни шакллантиришда мунтазам боғланишларнинг аҳамиятини тушунтириб бериш, билим олишни кучайтирувчи қоидалардан амалда фойдаланишни ўргатиш, бўлажак касбга муҳаббатни уйғотиш. Идентив ўқув мақсадлари. 1. Билим олишни шакллантиришда мунтазам боғланишларнинг аҳамиятини тушунади. 2. Билим олишни шакллантиришда мунтазам боғланишларнинг моҳиятини англайди. 3. Билим олишни шакллантиришда мунтазам боғланишлардан амалда фойдаланади. Асосий тушунча ва иборалар: ўқув мақсади, мунтазам боғланиш, ассоциатсия, қоида, эквивалент, аналогик, дифференциал, педагогик мониторинг. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. Керакли жиҳоз ва воситалар: Ўқув қўлланма, компьютер технологиялари, слайдлар, қоғоз варақлари, маркерлар, скотч.	Ўқитувчи
2	Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи, 15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга муаммоли савол беради. 3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4. Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	Мустақамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади. - Ўқув материални ўзлаштириш даражаларини ўрганинг, уларни таққосланг. - Ўқув материални ўзлаштириш даражаларини аниқлаш.	Ўқитувчи, 15 минут
5	Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи:	Ўқитувчи,

5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	10 минут
--	-----------------

Асосий саволлар.

1. Билим олишни шакллантиришда мунтазам боғланишларнинг аҳамияти.
2. Педагогик технологиянинг билим олишнинг кучайтирувчи қоидалари ва уларнинг ўқув мақсадига эришишдаги аҳамияти.

II. Таянч сўз ва иборалар:

Ўқув мақсади, мунтазам боғланиш, ассоциатсия, қоида, эквивалент, аналогик, дифференциал, педагогик мониторинг.

Мавзуга оид муаммолар:

Ўрганиладиган янги ва ўзлаштирилган эски билимлар ўртасида мунтазам боғланишни йўлга қўймасдан туриб, билим олишни фаоллаштириб бўладими?

Биринчи савол бўйича дарснинг мақсади.

Билим олишни шакллантиришда мунтазам боғланишларнинг аҳамиятини тушунтириб бериш, билим олишни кучайтирувчи қоидалардан амалда фойдаланишни ўргатиш, бўлажак касбга муҳаббатни уйғотиш.

Идентив ўқув мақсадлари.

1. Билим олишни шакллантиришда мунтазам боғланишларнинг аҳамиятини тушунади.
2. Билим олишни шакллантиришда мунтазам боғланишларнинг моҳиятини англайди.
3. Билим олишни шакллантиришда мунтазам боғланишлардан амалда фойдаланади.

Биринчи саволнинг баёни.

Ўқитишга технологик ёндашишда боғланишлар ташкил этилиши орқали билимларнинг шаклланишига катта эътибор берилади. "Билим" тушунчасининг буюк рус физиолог И.П.Павлов берган таърифини келтирамыз: "Боғланиш ташкил топганда, яъни "ассоциация" деб аталадиган, бу, шубҳасиз, ишни билиш, ташқи олам маълум муносабатларини билишдир, улардан навбатдаги марта фойдаланганингизда эса бу "тушуниш" деб аталади". Бунда, у таъкидлаганидек, "...янги шарт-шароитларда қўлланилганда билимлар балки, янги боғланишлар ташкил топганлиги ҳисобига "такомиллашади".

К.П.Марквардт таъкидлаганидек, "билимлар – боғланишлар бўлгани учун, боғланишлар эса ўрганиладиган янги ва ўзлаштирилган эски орасида ташкил топиши мумкин бўлганлигидан, бу эски қанча кўп ва бой бўлса, яъни унда қанча кўп боғланишлар ишлаб чиқилган ва ўрнатилган бўлса, шунча кўп янги боғланишлар ўрнатиш мумкин ва эгалланган янги билим шунча бой бўлади. Билим сифати қаралаётган ходисалар ўртасида ўрнатиладиган боғланишлар сони билан, яъни улар ўзаро таъсирини тушуниш кенглиги билан аниқланади. Боғланишлар бўлмаса, демак билимлар ҳам йўқ, биз урганиладиганни ёддан эсда колдирадиган бўлсак ҳам. Янгининг эски билан, янгининг элементлари орасида бой боғланишлар урнатилдими, демак, қимматбаҳо, бой билимлар эгалланди" .

Назорат саволлари.

1. Билиш тушунчасининг таърифини аниқланг.
2. Боғланишлар қандай ташкил топади?

3. Ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш йўллари аниқланг ва изоғлаб беринг.
4. Янги педагогик технологиялардан фойдаланиб олиб борилган дарсни кузатинг ва ўқувчиларнинг билим олиш даражасини аниқланг.

Иккинчи савол бўйича дарснинг мақсади.

Билим олишни кучайтиришда қоидаларнинг аҳамиятини тушунтириш. Принципларга амал қилишнинг ижобий томонларини ўқув мақсадига эришишдаги ўрнини кўрсатиш. Талабаларда ўқув мақсадга эришишда принципларга амал қилиш кўникмасини ҳосил қилишга ўргатиш.

Идентив ўқув мақсадлари.

1. Билим олишни кучайтирувчи қоидаларни ўрганади.
2. Билим олишни кучайтиришда қоидаларнинг ўрнини кўрсатади.
3. Билим олишни кучайтиришда ҳар бир қоидани таърифлайди

Иккинчи саволнинг баёни.

Боғланишлар максимал ташкил топиши учун педагогик технологиянинг қуйидаги қоидалари йўналтирилган:

- Эквивалент амалиёт қоидаси: ўқитиш шарт-шароитларида ўқувчиларнинг кутиладиган ҳаракатлари тест ўтказиш ёки имтиҳон вақтида кутиладиган ҳаракатларга тўла мос келади.

- Аналогик амалиёт қоидаси: ўқувчилар сўнгги феъл-атвор билан бир хил бўлмаган, аммо ўхшаш феъл-атвор актларида машқ қилиш имкониятига эга.

- "Натижаларни билиш" қоидаси: ўқувчига ҳар бир хизматининг натижасини зудлик билан хабар қилиш; бу принцип жорий баҳолаш асосида етади (ўқитишда тесқари боғланиш принципи).

- Педагог томонидан ижобий мустаҳкамловчи реакциялар қоидаси: ўқувчининг Ҳаракатига реакция маъқул ҳаракатларни мустаҳкамлаши зарур; нотўғри ҳаракатлар учун танбеҳ берилмайди, балки конструктив, истакли тарзда шарҳланади (масалан, "яна бир марта ифодалашга уриниб кўр" ёки "сенга бўлим мазмунини яна бир марта ишлаб чиқиш керак"). Мазкур қоидаларнинг бир маъноли табиати ўқитишнинг репродуктив табиатини ифодалайди.

Б.Скиннер программали ўқитиш чегарасида ўқув жараёнини педагогик технология асосида жорий этишда қўлланилиши мумкин бўлган қатор принципларни илгари сурди. Уларнинг муҳимларига қуйидагилар қиради:

- кичик қадамлар. Бу принципга қура ўқув материални мумкин бўлган кичик қисмларга (қадамларга) бўлиш мақсадга мувофиқ;

- жавобни дарров тасдиқлаш. Ўқувчи тўғри жавоб берганлиги (ечганлиги) ҳақидаги маълумотни олиш имкониятига эга бўлиши керак. Бунинг учун у ўзининг жавобини тўғри жавоб эталоги билан таққослаши керак;

- ўқитиш суръатини индивидуаллаштириш;

- мураккабликнинг аста-секин ортиши;

- билимларни дифференциал мустаҳкамлаш: ўқитиш қадамини ҳар бир умумлаштиришни турли мазмунли контекстларда таққорлаш ва етарли миқдорда пухта танланган мисоллар ёрдамида изоҳлаш зарур.

Санаб ўтилган қоидалар ва принциплар мақсадларга эришиш усуллари элементларидан иборатдир.

Ўқув мақсадларига эришиш учун ўқитишнинг турли моделлари, шу жумладан, анъанавий моделлари ҳам қўлланилиши мумкин. В.Гузеев (1998) таъкидлайдики, "конкрет шарт-шароитларнинг ҳар бир типини ўқитишнинг оптимал моделини танлашнинг қандайдир формал мезонларнинг ўзи умуман мавжуд эмас, бугун бу тўла

ваколатлилик, тажриба, соғлом фикр, ўқитувчининг сезгиси масаласидир...Педагогик технологияларнинг асоси - ўқитиш натижаларини диагностик ва операционал ифодаланган мақсадлар сифатида режалаштириш ва таълим жараёнининг натижалилигини узлуксиз диагностика қилиш. Аниқ ва конкрет қўйилган эришиладиган мақсадлар ҳар бир моментда берилгани шарт-шароитларда педагогик хазинадан мос методларни, шаклларни, усуллар ва уларга эришиш воситаларини танлаб олишга имкон беради.

Ўзининг тараққиётида педагогик технологиялар жиддий ўзгаришларга учради. "Педагогик технология" сўз бирикмаси - инглизча an educational technology - "таълимий технология"нинг ноаниқ таржимасидир. Сўнгги термин педагогик технология термини ўрнига кириб келмокда. Гап сўзнинг ўзгаришидагина эмас, концепцияда жиддий ўзгаришлар юз бермокда.

Агар 60-80-йиллар педагогик технологиясида доимий диагностика зудлик билан коррекцион чоралар қўриш учун меъердан олишни ўз вақтида аниқлашни мақсад қилиб қуйган бўлса, ҳозирги таълим технологиясида диагностика ҳар бир ўқувчининг ривожланиш тенденциясини эрта аниқлаш ва башорат қилишга қаратилган. Диагностика натижалари бўйича ҳар бир кадамдаги жараён лойиҳаланади.

Шундай қилиб, тесқари боғланиш маълумотини олиш диагностикани башорат қилиш билан боғлайдиган узлуксиз синтетик жараён була боради. Бу жараён инглизчадан таржима қилганда "узлуксиз кузатиш" маъносини билдирадиган мониторинг номини олди.

Педагогикада мониторинг деганда "...ўқув жараёнини узлуксиз, узок муддатли кузатиш ва уни бошқариш тушунилади. Педагогик мониторинг ўқитувчи ва ўқувчини тўғри қарорлар чиқаришга имкон берадиган зарур ахборот билан таъминлайди. Ушбу ҳолда текшириш объекти-ўқув-тарбиявий жараённинг натижаларига ва қуйилган мақсадига эришиши учун ишлатиладиган воситалардир. Педагогик мониторинг улар қанчалик рационал ва истиқболли эканлигини аниқлайди"

Назорат саволлари.

1. Педагогик технологиянинг қандай қоидалари мавжуд?
2. Педагогик мониторинг деганда нимани тушунасиз?
3. Билим олишни кучайтирувчи қоидаларни таққосланг ва уларнинг ўзаро фарқини аниқланг.
4. Билим олишни кучайтирувчи қоидаларнинг таълим жараёнидаги аҳамиятини ёритинг.
5. 1 соатлик дарсни кузатинг ва билим олишни кучайтирувчи қоидалардан фойдаланилганни изоҳлаб беринг.

Мустақил иш топшириқлари:

1. Технологик ва ижодий-изланишли ёндашувларини таърифлаш.
2. Таълим жараёнидаги ёндашувларни аниқлаш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Кадрлар тайёрлаш миллий моделида шахс ва узлуксиз таълим узвийлиги Олий таълим тизимидаги педагогик ходимларнинг касбий моҳоратини ривожлантириш нуқтаи назаридан тақиқ қилинди. Тадқиқот мантики қуйдаги тузилмага эга бўлди: кадрлар тайёрлаш миллий модели - ОЎЮ ўқитувчиси шахсий модели - педагогик фаолият (кириш) - МОИ педагогик тизими - педагогик фаолият (чиқиш) - тингловчи - очик тизим. Касбий педагогик маҳоратни ривожлантиришнинг бу компонентлари алоҳида ўрганилди ва жаму-жам ҳолда назарий модел лойиҳасини ташкил этди.

Асосий адабиётлар рўйхати:

1. Азизхўжаева.Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат.Тош-2006.
2. Сайидахмедов Н., Очилов А., Янги педагогик технологияларнинг моҳияти ва замонавий лойиҳаси Тошкент, 1999

интернет материаллари

1. [http:// WWW . guldu/ uz /](http://WWW.guldu.uz/).
2. [http:// WWW . gulduportal.uz /](http://WWW.gulduportal.uz/).
3. [http:// WWW . ziunet. uz /](http://WWW.ziunet.uz/).
4. [http:// WWW . guldu. zn/ uz /](http://WWW.guldu.zn/uz/).

8-мавзу	ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШГАНЛИКНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ.
---------	--

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: Дарс мақсади: ўзлаштиришни назорат қилишнинг аҳамиятини ёритиб бериш, ҳар бир назорат турининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, талабаларда ўқувчилар билимларини ўзлаштиришни назорат қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш . Идентив ўқув мақсадлари. 1.Ўзлаштиришни назорат қилишининг аҳамиятини ўрганади. 2.Ўзлаштиришни назорат қилишининг аҳамиятини тушунади. 3.Назорат турларининг афзаллиги ёки камчилигини аниқлайди. 4.Ҳар бир назорат турларини таққослайди. Асосий тушунча ва иборалар: назорат, ёзма назорат, оғзаки назорат, тест назорати, рейтинг тизими. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. Керакли жиҳоз ва воситалар: Ўқув қўлланма, компьютер технологиялари, слайдлар, қоғоз варақлари, маркерлар, скотч.	Ўқитувчи
2	Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи, 15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга муаммоли савол беради. 3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4. Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	Мустақамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: 1.Билим олишни шакллантиришда мунтазам боғланишларнинг аҳамияти. 2. Педагогик технологиянинг билим олишнинг кучайтирувчи қоидалари ва уларнинг ўқув мақсадига эришишдаги аҳамияти. 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 15 минут
5	Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.	Ўқитувчи, 10 минут

	5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади . 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	
--	---	--

Асосий саволлар.

1. Ўзлаштиришни ёзма, оғзаки ва тест усулида назорат қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Рейтинг тизими назорат қилишнинг шакли сифатида.

II. Таянч сўз ва иборалар:

Назорат, ёзма назорат, оғзаки назорат, тест назорати, рейтинг тизими.

Мавзуга оид муаммолар:

Ўқув мақсадга эришишда ҳар бир назорат турларини ўзига хос хусусияти мавжудми?

Уларнинг бир-бирига боғлиқлиги ва фарқи нимада деб биласиз?

Биринчи савол бўйича дарснинг мақсади.

Ўзлаштиришни назорат қилишнинг аҳамиятини ёритиб бериш, ҳар бир назорат турининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, талабаларда ўқувчилар билимларини ўзлаштиришни назорат қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш .

Идентив ўқув мақсадлари.

1. Ўзлаштиришни назорат қилишининг аҳамиятини ўрганади.
2. Ўзлаштиришни назорат қилишининг аҳамиятини тушунади.
3. Назорат турларининг афзаллиги ёки камчилигини аниқлайди.
4. Ҳар бир назорат турларини таққослайди

Биринчи саволнинг баёни.

Ўзлаштиришни назорат қилиши жорий, оралиқ ва якуний назоратни ўз ичига олади. Жорий назорат узлуксиз тескари боғланишни таъминлайди, одатда баҳолашсиз ўтказилади, шундай қилиб билимлар шаклланишида иштирок этади. Шуни эслатамизки, педагогик технологияда тескари боғланиш нафақат ўқитишнинг боришини коррекциялаш учун, балки ўқув мақсадларини аниқлаш учун ҳам хизмат қилади. Якуний назоратда режалаштирилган ўқув мақсадларига эришиш баҳоланади.

Назорат оғзаки, ёзма ёки тест усулида бўлиши мумкин. Билимларни назорат қилишнинг бу турларини қўллашнинг хусусиятларини қараб чиқайлик.

Оғзаки назоратнинг афзалликларига шахсий контакт, ўқитувчининг ўқувчи билан тирик диалоги, уни айтадиганларини нутқ шаклида ифодалашга машқ қилдириш, билимларни янада чуқурроқ текшириш учун педагог томонидан қўшимча саволлар бериш имконияти киради. Педагог томонидан қўйилган саволга оғзаки жавоб беришга тайёрланиш доимо ўқувчининг фаол фикрлаш фаолияти билан боғланган.

Ёзма назорат ўқув материални ўзлаштириш даражасини ҳужжатли тарзда ургатиш имконини беради, шунингдек ўқувчига ўз фикрларини қоғозда баён қилиш амалиётини беради. Икки-учта мустақил экспертларни ишларни текшириш учун жалб қилиш билан ўтказиладиган ташки ёзма назорат аниқ мезонлар бўлган тақдирда объектив баҳога яқин баҳолашга имкон беради. Аммо билимларни оғзаки ва ёзма назорат қилишнинг анъанавий усули маълум камчиликларга ҳам эга:

- имтиҳонда ўқувчи имтиҳон билетининг 3-4 та саволига жавоб беради, баҳо эса ҳамма ўқув фанини билиш учун қўйилади;
- фарқ қилиш қобилияти кучсиз бўлган 5 баллик шкала ишлатилган;

- оғзаки ва ёзма назорат ҳар доим ҳам билимларни баҳолашнинг объективлигини, аниқлигини ва ишончлилигини таъминламайди;
- оғзаки сўров кўп ўқув вақти сарфланишини талаб қилади, ёзма ишлар педагогларнинг уларни текширишга кўп меҳнат сарфлашлари билан боғлиқ.

Тест назоратининг афзалликлари:

- етарли тарзда тузилган педагогик тест натижалари назорат ўтказётган шахсга боғлиқ бўлмаган объектив педагогик ўлчов қуроли ҳисобланади;
 - тест ўқув материалининг барча асосий мазмунини қамраб олиши мумкин, ўқитиш натижаларини тест усулида ўлчаш (тестлар тўғри ишлаб чиқилганда) барча текширилувчиларга барабар қўлланиладиган олдиндан ишлаб чиқилган шкала асосида аниқ ва ишончли баҳо беради;
 - тест назорати технологияли, у нисбатан қисқа вақт ичида маълум ўқув материални ўзлаштиришни тўла назорат қилишни минимал куч ва воситалар сарфлаб ўтказиш имконини беради. Ўзбекистон ОУЮ лари учун абитуриентларни тест усулида танлашни киритиш кўп кунлик чарчатадиган кириш имтиҳонларидан воз кечиш ва назорат амалини бир кунда бир неча соат давомида ўтказиш имконини беради;
 - ниҳоят, тест назорати компьютерлар ёрдамида осон автоматлаштирилади.
- Бу педагогик тест ўтказишнинг асосий афзалликларидан биридир.

Назорат саволлари.

1. Назоратнинг қандай турлари мавжуд?
2. Шахсий контакт, ўқитувчининг ўқувчи билан тирик диалоги, уни айтадиганларини нутқ шаклида ифодалашга машқ қилдириш, билимларни янада чуқурроқ текшириш учун педагог томонидан қўшимча саволлар бериш имконияти қайси назорат турида мавжуд бўлади?
3. Ўқув материалининг барча асосий мазмунини қамраб олиш имконияти қайси назорат турига тааллуқли?
4. Қайси назорат тури ўқув материални ўзлаштириш даражасини ҳужжатли тарзда ўргатиш имконини, шунингдек, ўқувчига ўз фикрларини қўлдо баён қилиш амалиётини беради?

Иккинчи савол бўйича дарснинг мақсади.

Ўзлаштиришни рейтинг назорат қилишнинг аҳамиятини ёритиб бериш, ҳар рейтинг тизимининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, ҳар бир рейтинг тизимларининг афзаллик ва камчилик томонларини очиб бериш.

Идентив ўқув мақсадлари.

1. Рейтинг усулида баҳолашнинг имкониятларини ўрганади.
2. Рейтинг усулида баҳолашнинг имкониятларини тушуниб етади.
3. Анъанавий усулда баҳолаш билан рейтинг усулида баҳолашни таққослайди.
4. Рейтинг усулида баҳолашнинг моҳиятини тушуниб етади.

Иккинчи саволнинг баёни.

Билимларни ўзлаштириш назорат қилишнинг янги, прогрессив механизмларини киритадиган рейтинг системасидан самарали фойдаланишни ўрганиш ҳам жуда муҳимдир.

"Рейтинг" (инглизча) сўзи баҳолаш, индивидуал коэффицентни билдиради.

Ўқувчи ва талабалар билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг системаси (келгусида "рейтинг системаси") деганда ҳар бир ўқувчини ўқитишнинг бориши ва натижаларини баҳолашга бир хил шаклда ёндашишларни ўрнатадиган ўзаро боғлиқ кўрсатмалар, қоидалар мажмуаси тушунилади.

Рейтинг системаси таркибида, одатда қуйидагилар ифодаланади:

- назорат турлари (масалан, жорий, оралик, якуний);
- назорат усуллари (оғзаки, ёзма, педагогик тест ўтказиш, маълум амалларни бажариш);
- даврийлик ва ўқитиш даври мобайнида баҳолаш актларининг минимал сони;
- баҳолар шкаласи;
- ўқитиш предмети бўйича натижавий баҳога ўқувчини яқка баҳолашни бирлаштириш қоидалари;
- натижаларни расмийлаштириш қоидаси;
- бошқа курсатмалар.

Рейтинг системасини қиритишнинг мақсади ва вазифалари, одатда қуйидаги натижаларга эришиш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат:

- ўқувчилар ва талабалар томонидан давлат таълим стандартлари талабларининг ўзлаштирилиши;
- билимларни баҳолашнинг объективлиги ва узлуксизлигини таъминлаш;
- ўқувчилар ва талабалар билиш фаолиятининг фаоллашуви, уларда ўқишда ютуқларга эришиш учун ижобий асосларнинг шаклланиши, мусобака элементларини қиритиш, мунтазам мустақил ишга жалб қилиш;
- ўқишдаги ютуқлар бўйича ўқувчилар ўрнини аниқлаш билан ўқув фаолияти натижаларини дифференциациялаш, уларни ўқишдаги ютуқлари учун рабаълатлантириш;
- ўқитиш натижаларининг таққосланишини таъминлаш;
- бошқа масалалар.

Ўқувчилар ва талабалар билимларини баҳолашнинг прогрессив рейтинг системаси қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак:

- унда мос узлуксиз таълим босқичининг ўзига хослиги ҳисобга олинган бўлиши керак;
- рейтинг системасида ўқувчиларни уларнинг ўқишдаги ютуқлари бўйича яхшироқ дифференциациялаш мақсадида баҳоларнинг кўпи балли шкаласи қўлланилиши керак;
- педагог томонидан қўйиладиган бирламчи баҳо мураккаб математик ҳисоблашлар билан боғлиқ бўлмаслиги керак (бунга ўқув вақтининг сарфланишини талаб этадиган). У педагог томонидан ўқув муассасасида (идорасида) олдиндан ишлаб чиқилган мезонлар асосида қўйилади;
- ўқувчилар уларнинг ота-оналари ва педагоглар тушуниши учун имконият (мактаб синф журнали ёки академик лицей, касб-хунар коллежи ёки ОУЮ ўқув гуруҳи журналидаги кўрсатмалар асосида) натижавий рейтинг балларини Ҳисоблаш ва қайта Ҳисоблашнинг қўлланилаётган механизми имконият даражасида элементар содда, назорат турлари ва шакллари орасида балларни олдиндан тақсимлашни талаб қилмайдиган бўлиши керак;
- ҳар бир ўқув юрти методик орган идоравий кўрсатмалар асосида ёки ўзининг қарорига биноан натижалари якуний рейтинг баҳолашга қирадиган ўқитиш даврида барча предметлар (фанлар) бўйича оғзаки, ёзма ва тест назоратларининг минимал мажбурий сонини ўрнатади;
- турли ўқув муассасаларининг рейтинг системалари узлуксиз таълим у ёки бу босқичининг чегарасида ўқитиш натижаларининг таққосланишини таъминлаши керак.

1999 йил март ойи ҳолати бўйича умумий, ўрта махсус касб-хунар ва олий таълим системасида бир-биридан фарқ қиладиган рейтинг системалари ишлатилган, шунинг учун республика масштабида уларни универсаллаштириш бўйича иш олиб борилмоқда.

Назорат саволлари.

- 1.Рейтинг сўзи қандай маънони билдиради?
- 2.Рейтинг системасининг таърифини кўрсатинг.

Мустақил иш топшириқлари:

- 1.1.Рейтинг системасининг таълим жараёнидаги аҳамиятини ўрганиб чиқинг.
- 1.2. Ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолашнинг усуллари аниқланг.
- 1.3.«Билим» тушунчасининг моҳиятини ўрганинг ва ўқувчиларни билим олиш самарасини ошириш йўллари аниқланг. Янги педагогик технологиялар асосида олиб борилган 1 соатлик дарсни кузатинг ва билим олишни кучайтирувчи қандай қоидалардан фойдаланилганлигини таҳлил қилинг.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Кадрлар тайёрлаш миллий моделида шахс ва узлуксиз таълим узвийлиги Олий таълим тизимидаги педагогик ходимларнинг касбий моҳоратини ривожлантириш нуқтаи назаридан тақиқ қилинди. Тадқиқот мантиқи қуйдаги тузилмага эга бўлди: кадрлар тайёрлаш миллий модели - ОЎЮ ўқитувчиси шахсий модели - педагогик фаолият (кириш) - МОИ педагогик тизими - педагогик фаолият (чиқиш) - тингловчи - очик тизим. Касбий педагогик маҳоратни ривожлантиришнинг бу компонентлари алоҳида ўрганилди ва жаму-жам ҳолда назарий модел лойиҳасини ташкил этди.

Асосий адабиётлар рўйхати:

1. Азизхўжаева.Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат.Тош-2006.
2. Сайидахмедов Н., Очилов А., Янги педагогик технологияларнинг моҳияти ва замонавий лойиҳаси Тошкент, 1999

интернет материаллари

1. [http:// WWW . guldu/ uz /](http://WWW.guldu.uz/).
2. [http:// WWW . gulduportal.uz /](http://WWW.gulduportal.uz/).
3. [http:// WWW . ziunet. uz /](http://WWW.ziunet.uz/).
4. [http:// WWW . guldu. zn/ uz /](http://WWW.guldu.zn/uz/).

АСОСИЙ ВА ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Гармонично развитое поколение - основа прогресса Узбекистана. Ташкент, 1997, 62 с.
2. Беспалко Б.П. Слагаемое педагогической технологии. М.: Педагогика, 1989, 190 с.
3. Вертгеймер М. Продуктивное мышление. М.: Прогресс, 1987, 336 с.
4. Гузеев В. От методик - к образовательной технологии. Народное образование. 1998, № 5, 84-91 с.
5. Дахин А. Н. Педагогический мониторинг: концепция и применение. 1997, № 3. 39-42 с.
6. Джумабоева Ф. А. Повышение качества обучения и объективности оценки знаний студентов на основе инвариантных тестов. Ташкент, 1999, 17 с.
7. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. М.: Знание, 1989, 75 с.
8. Кондаков Н.И. Логический словарь-справочник. М.: Наука, 1975, 717 с.
9. Марквардт К. Развивающая система подготовки специалистов. М.: Знание, 1981, 84 с.
10. Назарова Т.С. Педагогические технологии: новый этап эволюции. Педагогика. 1997, №3, 20-26 с.

11. Никандров Н.Д. Программированное обучение и идеи кибернетики. (Анализ зарубежного опыта). М.: Наука, 1970, 206 с.
12. Объективная оценка качества усвоения знаний учащих и студентов. Ташкентский Технический Офис Тасис. Ян Смит, Борис Фарberman. 1999, 150 с.
13. Селевко Г. Взгляд на проблему. Педагогика. 1997, Н9, 27-32 с.
14. Слацёнин В. Доминанта деятельности. Педагогика. 1997, Н9, 41-42 с.
15. Томас К. и др. Перспективу программированного обучения. Пер. с англ. М.: Мир, 1966, 246 с.
16. Фарberman Б.Л. Основу теории инвариантных тестовых заданий. . 1997, НЗ-6, 40-45 с.
17. Н.Сайидахмедов Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. Тошкент, 1999 й., 55 бет.
18. <http://www.ziyonet.uz/ru/library>
19. [www. adpima com](http://www.adpima.com)
20. [www. amazon com](http://www.amazon.com)
21. [www. ip kpro aaa net. Ru](http://www.ipkproaaa.net)